БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 84 (18.860). • Сешанба, 10 апрель 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

К. У. ЧЕРНЕНКОнинг

«Правда» газетаси саволларига жавоблари

Савол. Сиз ҳозирги пайтда дунёдаги вазиятга қандай баҳо берасиз? Жумладан, Америка Қўшма Штатлари сиёсатида ижобий ўзгаришларнинг бирон-бир белгилари борми?

Жавоб. Афсуски дунёдаги вазият яхшиланаётгани йўқ. Бу вазият жуда хатарли бўлиб қолмоқда. Бунга эса АҚШ маъмурияти ҳамон ҳарбий кучга, ҳарбий устунликка эришишга, бошқа халқларга ўз тартибларини тиқиштиришга умид боғлаётганлиги сабаб бўлмоқда. Президент Р. Рейганнинг яқинда Жоржтаун университетида сўзлаган нутқи буни яна бир бор тасдиқлади.

Баъзида Вашингтондан сулҳпарварлик сафсатаси эшитилиб турган бўлса-да, бундай сафсатабозликлар замирида ана шу сўзларни амалий ишлар билан мустаҳкамлашга тайёрликнинг заррача ҳам нишонларини топиш амри маҳол. Бошқача қилиб айтганда, янги сўзларнинг ишлатилиши янги сиёсатни билдирмайди.

Ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш каби туб проблемага мурожаат этиб кўрайлик.

Эҳтимол Оқ уйдагилар бундай пойганинг хатарли ва истиқболсиз эканлигини англаб, бундан ўзларини тия бошлагандирлар? Асло бундай эмас. Аксинча, АҚШда ядро қуролини яратиш ва жойлаштиришнинг тобора янги-янги программалари зўр бериб амалга оширилмоқда. Ғарбий Европада ҳам Американинг ядро ракеталарини жойлаштириш давом эттирилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси таркиб топган кучлар мувозанатини қандай бўлмасин бузиш мақсадида қилинмоқда.

Бундай ҳаракатлар қуролланиш пойгасини тўхтатиш вазифасига асло мувофиқ эмас. АҚШ ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш жараёнининг ўзини қасддан барбод этганлиги, стратегик қуролларга, шунингдек Европада ядро қуролларига доир музокараларни барбод этганлиги ҳам мутлақо тасодифий бир ҳол эмас.

Бизнинг Америка томони билан алоқаларимиз ҳам мана шу туб масалаларда АҚШнинг позициясида ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлмаганлигини кўрсатиб турибди.

Вашингтон Женевадаги музокараларни барбод этишга сабаб бўлган аввалги йўлида қаттиқ туриб олиб, ўз ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришни давом эттирган ҳолда музокараларни яна бошлашга тайёрмиз, деб сафсатабозлик қилмоқда. Хўш, нималар ҳақидаги музокараларни яна бошлашга тайёр экан, деган савол туғилади. АҚШ Совет Иттифоқига ва бизнинг иттифоқчиларимизга мўлжал олдирилган қанча ва айни қандай ракеталарни Европада жойлаштириши мумкинлиги тўғрисидаги музокараларними? Биз бундай музокараларда қатнашмаймиз.

Бизни мулоқотнинг фойдали эканлигига, музокараларнинг наф келтиришига ишонтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Қўшма Штатлар ва у билан бирга иш кўраётган НАТОдаги бошқа мамлакатлар Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирила бошлангунга қадар мавжуд бўлган аҳволга қайтиш чораларини кўришлари билан, Совет Иттифоқи ҳам дарҳол шунга мувофиқ иш тутади. Музокараларга олиб борадиган реал йўл мана шу.

Савол. Қуролларни чеклаш ва қуролсизланишга доир бошқа соҳаларда аҳвол қандай?

Жавоб. Бошқа масалаларда ҳам олға силжишга Қўшма Штатлар тўсқинлик қилмоқда. Икки, учта проблемага тўхталиб ўтаман. Аввало космос тўғрисида. Совет Иттифоқи қуролланиш пойраси космик фазога ёйилишига йўл қўймасликка қаратилган шартномага эришиш учун бир неча йилдан буён ҳаракат қилиб келмоқда. Биз шу масалани АҚШ раҳбарлари олдига муттасил қўйиб келмоқдамиз. Космоснинг ҳарбийлаштирилиши қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини равшан тасаввур этаётганлигимиз учун ҳам биз шундай қиляпмиз.

Ҳолбуки, Америка президенти ҳукумат космосда қуролланиш пойгасининг кенг программасини амалга оширишга киришади ҳамда, гўё контроллик қилишнинг мураккабликлари сабабли космик фазони ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш тўғрисида Совет Иттифоқи билан шартнома тузиш ниятида эмаслиги ҳақида куни кеча АҚШ конгрессига расмий равишда маълум қилди.

Шартнома тузишни истамаймиз деб қўпол ва ошкора айтмоқдалар. Аммо соғлом фикрни таҳқирлашгача етиб бориб, шу масала юзасидан шартнома тузишнинг иложи йўқ деб келишиб олиш мақсадидагина биз билан гаплашишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Вашингтондагилар умуман сиёсий мулоқотни, музокараларни мана шу тарзда тушунмоқдалар.

Бошқа бир ғоят муҳим масала — химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги масалани олиб кўрайлик.

1972 йилдаёқ СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар қуролсизланишга доир Женева комитетида химиявий қуролни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш ва унинг запасларини тўплашни тақиқлаш тўғрисида ва уни йўқ қилиш ҳақида конвенция тузиш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Улар худди ўша пайтда шундай конвенциянинг лойиҳасини ҳам тақдим этишган эди.

Кейинчалик биз бу масалага неча марталаб қайтиб, ўз таклифларимизни аниқлаб, муфассаллаштириб бордик. Аммо мана шу бутун йиллар мобайнида АҚШ химиявий қуролни батамом тақиқлаш тўғрисида конвенция тузишишга тўсқинлик қилиб келди. У тўғаноқ солиш билан шуғулланди, холос.

Энди Вашингтондагилар ўзларини химиявий қуролни тақиқлашга тарафдор этиб кўрсатишга қарор қилдилар. Мана бир неча ойдирки, Америка раҳбарлари шу хусусда Женевада қандайдир таклифлар киритишни ваъда қилиб келмоқдалар. Аммо ваъдалар ўз йўлига — умуман бу ваъдалар нима билан тугаши ҳали номаълум бўлиб турган бир пайтда президентнинг гапларидан равшанки, АҚШда химиявий қуролни кўпайтириш ва янгилаш программаси жадаллаштирилмоқда. Бундай қурол Америка территориясида ҳам, шунингдек ундан ташқарида ҳам жойлаштирилади.

Яна бир мисол. Ер остида ядро портлатишларини чеклаш тўғрисида Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида тузилган икки шартнома шу пайтгача амалга киритилмаган. Ана шу шартномалар бундан қариб ўн йил муқаддам имзоланган бўлиб, биз уларни ратификация қилишни АҚШга кўп марта таклиф этган эдик. Аммо АҚШ шу кунгача ҳам ратификация қилишдан бош тортиб келмоқда.

Бу масалада улар хилма-хил найрангларни ишлатмоқдалар. Аввалига гўё ана шу шартномаларни ратификация қилиш ядро қуроллари синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги музокараларга ҳалақит беради, дейишди. Сўнгра эса ана шу музокараларни барбод этиб, контроллик-нинг қийинчиликларини рўкач қила бошладилар.

Албатта, бунда гап контроллик-да эмас — имзоланган шартномаларда бу хусусда жуда муфассал ишлаб чиқилган қоидалар бор. Гап бошқа нарсада — Вашингтон ядро қуролини кўпайтиришга ва такомиллаштиришга ҳалақит қиладиган бирон бир чеклашлар билан ўз қўлини боғлаб қўйишни истамаётганлигидадир.

Мен контроллик тўғрисидаги масалани яна шунинг учун ҳам тилга олиб ўтмоқдаманки, Қўшма Штатлар шартномага эришишни истамаганда ҳар гал мана шуни рўкач қилаверади. Қуролларни қисқартириш ва қуролсизланиш тадбирлари тўғрисида шартлашиб олиш истаги ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган тақдирда контроллик қилиш тўсиқ бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу аввалги тажрибада ҳам исботланган.

Дарвоқе, АҚШнинг сиёсатини, қолаверса унинг амалий ишларини ҳисобга олганда биз қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланишнинг конкрет тадбирларига мос бўлган ишончли контролликдан АҚШга қараганда камроқ эмас, балки кўпроқ манфаатдормиз, деса бўлади.

Савол. Ғарбдагилар баъзан гўё Совет Иттифоқи ҳозирги вақтда АҚШ билан шартнома тузишни истамай, у ерда президент сайлови якунларини кутиб турибди, деб фикр юритмоқдалар. Шу хусусда сиз нима дея оласиз?

Жавоб. Шуни айтаманки, бундай фикрларни ўртага ташлаётган кимсалар бизнинг сиёсатимизни билишмайди ёки эҳтимолга яқинроғи — уни жўрттага бузиб кўрсатишмоқда. Бизнинг сиёсатимиз принципиал сиёсат бўлиб, ўткинчи ўзгаришлар унга таъсир қилмайди.

Совет—Америка муносабатлари тарихи мобайнида биз Вашингтондаги турли маъмуриятлар билан иш олиб бордик. Америка раҳбарлари Совет Иттифоқи билан муносабатларга нисбатан реализм, масъулият билан ёндашган ҳолларда ишлар нормал борди, дейиш мумкин. Бу ҳол дунёдаги умумий вазиятга ҳам яхши таъсир ўтказиб келди. Шундай реалистик ёндашув бўлмаган тақдирда бизнинг ўзаро муносабатларимиз ҳам ёмонлашаверди.

Биз бугунги кунда ҳам Қўшма Штатлар билан нормал, барқарор муносабатларнинг, тенглик, баб-баравар хавфсизликка ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка асосланган муносабатларнинг тарафдоримиз.

АҚШдаги сайлов муносабати билан қандайдир «режаларимиз» борлигига шама қилиб, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар юзасидан Совет Иттифоқи билан шартлашиб олишни истамаётганликларини яширишга уринаётганга ўхшайдилар. Бу хусусдаги ишларнинг аҳволи қандай эканлиги тўғрисида эса иккала томоннинг позициясини лоақал мен ҳозиргина эслатиб ўтган масалаларни таққослаб, тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Савол. Сизнинг фикрингизча одамлар тинчлик учун доимо бехавотир яшашлари йўлида нималар қилиш керак?

Жавоб. Аввало, давлатларнинг, айниқса, ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг сиёсати уруш хавфини бартараф этишга, тинчликни мустаҳкамлашга қаратилиши лозим.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва уни орқага буриб юбориш учун биринчи навбатда куч-ғайрат сарфланиши керак. Музокараларнинг нафи тўғрисида умумий мулоҳазалар юритишдан қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш, ишончни кучайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эришиш йўлида вужудга келтирилган жиддий ғовларни бартараф этишга ўтиш пайти келди.

Совет Иттифоқининг шу соҳалардаги конкрет масалалар юзасидан олисни кўзловчи бир қанча таклифлари тўғрисида айтиб ўтдим. Умумий куч-ғайрат қаратилишини талаб этувчи бошқа катта-катта масалалар ҳам бор.

Чунончи, ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида, шунингдек ядро аслаҳаханоларини миқдор ва сифат жиҳатдан кўпайтирмай қўйиш ҳақида мажбурият олиши, шубҳасиз, дунёда яхшилик сари қатъий бурилишга кўмаклашган бўлур эди. Бунинг учун мураккаб музокараларнинг ҳожати йўқ. Бунда сиёсий қатъият кўрсатиш керак. Натижа ҳар жиҳатдан салмоқли бўлиши шубҳасиздир. Энг муҳими, бошқалардан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлардан воз кечишга тайёрлик равшан намойиш этилса кифоя. Бизнинг мамлакатимиз бундай устунликка интилаётгани йўқ, аммо ўзидан бошқаларнинг шундай устунликка эришишига ҳам йўл қўймайди.

Умуман, ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинчлик мақсадларини кўзловчи муайян нормалар жорий этилиши ниҳоятда муҳимдир. Мен бу ҳақда илгари батафсил гапириб ўтган эдим.

Халқаро муносабатларда ишонч муҳитини вужудга келтириш вазифаси ўткир бўлиб турибди. Бунинг учун барча давлатларнинг масъулиятли ҳамда вазмин сиёсат юритиши, шунингдек мазкур йўналишда тегишли амалий тадбирлар кўриши талаб этилади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар кенг қўламдаги сиёсий ва халқаро ҳуқуқий тадбирларнинг ҳарбий-техникавий тадбирлар билан қўшиб олиб борилишини ёқлаб чиқмоқдалар. Шундай қилинган тақдирда Стокгольм конференциясининг муваффақиятини таъминлаш, унинг якунларини Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қўшилган катта ҳиссага айлантириш имконини берган бўлур эди.

Жаҳоннинг турли районларида мавжуд кескинлик ва ҳарбий можаролар манбаларини тугатиш ҳамда шундай янги манбалар вужудга келишининг олдини олиш учун жуда зўр куч-ғайрат сарфланиши лозим.

Бошқача сўзлар билан айтганда, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга конкрет ишлар билан ёрдам бериш учун кўпгина имкониятлар бор.

Совет Иттифоқи шу мақсадларни амалга оширишда барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

АҲД

Сурхондарё области далаларида чигит экиш қизғин палларга кирди. Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхознинг Чоршанби Нормўминов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йилги экиш кампаниясини пухта тараддуд билан кутиб олдилар. Ерлар нормадаги ўғитлар билан озиқлантирилди. Бригада деҳқонлари ўтган йилги меҳнатда эришган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида чигит экишни энг қисқа муддатларда тугаллашга қарор қилдилар.

«Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори, уста пахтакор Ч. Нормўминов етакчилигидаги бригада бултур ҳар гектар ердан 50 центнердан юқори сифатли ингичка толали пахта етиштирган эди. Республика юбилейини муносиб кутиб олишга аҳд қилган пахтакорлар 44 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтаришга ваъда берганлар. Амалга оширилаётган ишлар, кишиларнинг ғайрат-шиҳжоати ана шу ваъданинг сўзсиз бажарилишидан дарак бераётир. Тажрибали пахтакор Ч. Нормўминовнинг ўзи эса ишлаб чиқаришда кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Суратда: Ч. Нормўминов.

Е. Ботиров фотоси.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетларининг идеологик, ташкилий-партиявий ишлар ва маъмурий органлар масалалари билан шуғулланувчи янги сайланган секретарларининг ўқиши тугади. Улар ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш назарияси ва практикаси, КПСС билан Совет давлатининг иқтисодий сиёсати ва халқаро фаолияти, партия комитетларининг КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко докладлари ва нутқларидаги қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган ташкилотчилик ва идеологик ишлари актуал масалаларини ўргандилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Фан ва техника давлат комитетининг раиси Г. И. Марчук, СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, КПСС Марказий Комитетибўлимларининг мудирлари Б. И. Стукалин, В. А. Медведев, Н. И. Савинкин, КПСС Марказий Комитети бўлимлари мудирларининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари Е. З. Разумов, З. Л. Туманова, Н. Н. Четвериков, И. К. Капустян, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари И. С. Густов, СССР Бош прокурори А. М. Рекунков, «Партийная жизнь» журналининг редактори М. И. Халдеев, СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш, СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари Ф. Д. Бобков тингловчилар ҳузурида лекциялар ўқидилар ва суҳбатлар ўтказдилар. КПСС Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий ишлар, пропаганда, фан ва ўқув юртлари, маданият, маъмурий органлар бўлимларида учрашувлар бўлиб ўтди.

Тингловчилар Москва шаҳар ва область партия комитетларининг, бир қанча район ва шаҳар партия комитетларининг, саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотлар партия комитетларининг иш тажрибаси билан танишдилар. КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Р. Ф. Дементьева, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретарлари Л. А. Борисов, А. М. Роганов, В. П. Трушин, Москва шаҳри ва Москва областидаги бир қанча район ҳамда шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеологик ишлари практикаси тўғрисида уларга ахборот бердилар. Тингловчилар учун «Партийная жизнь» журнали редколлегияси аъзолари билан, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети ходимлари, «Мосфильм» киностудияси ижодий ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар уюштирилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

9 апрель куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари секретарларининг, министрликлар ва идоралар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари талаблари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар асосида 1984 йил капитал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих доклад қилди.

Кенгашда уқтириб ўтилишича, 1983 йилда капитал қурилишда баъзи ижобий натижаларга эришилди. Асосий фондларни ишга туширишнинг аввалги йилга нисбатан қўпайди, нормативдан ортиқча чала қурилиш ҳажми камайди, Юзлаб йирик саноат корхоналари, агросаноат комплексининг объектлари ишга туширилди, уй-жой ва маданий-маиший қурилишнинг катта программаси амалга оширилди.

Бироқ халқ хўжалигининг мана шу жуда муҳим тармоғидаги ишларнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда. Кўпгина пудратчи министрликлар планларни бажара олмаяптилар, қувватлар ва объектларнинг белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъмин этмаяптилар.

1984 йилда ёқилғи-энергетика комплекси, машинасозлик тармоқларининг, қора ва рангли металлургия, химия саноатининг, агросаноат комплекси тармоқларининг, транспортнинг, аҳолига керакли моллар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қувватларини кўпайтириш соҳасида, шунингдек уй-жой, мактаблар, касалхоналар, мактабгача тарбия боғчаларнинг муассасалари ва коммунал-маиший объектлар қурилиши соҳасида катта-катта вазифалар ҳал этилиши лозимлиги таъкидланди.

Министрликлар ва идоралар раҳбарларининг, партия ва совет органларининг эътибори йил бошидан бери йўл қўйилган қолоқликни бартараф этишга, 1984 йилги ва шу бещ йилликдаги капитал қурилиш планларини бажарибгина қолмай, ошириб бажаришни ҳам таъминлашга қаратилган қўшимча таъсирчан чоралар кўриш зарурлигига қаратилди.

Жамики куч ва воситаларни ишга туширилаётган энг муҳим объектларга тўплаш, катта қурилиш программасига эга бўлган регионлардаги ишларнинг ҳажмларини ошириш пудратчи министрликларнинг, маҳаллий органларнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Қурилиш ишларини, меҳнатнинг ташкил этилишини тубдан яхшилаш ҳамда иш вақтининг зое ўтишини тугатиш, қурилиш техникасидан, моддий ресурслардан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

СССР Госплани, СССР Госснаби, министрликлар ва идоралар олдига қурилишларни комплектлаш ва уларнинг материал-техника таъминоти масалаларини қисқа муддатларда ҳал этиш вазифаси қўйилди. Буюртма берувчи министрликлар қурилишларни ўз вақтида сифатли лойиҳа-смета ҳужжатлари билан, маблағ билан таъминлашлари, шунингдек малакали ишлатувчи ходимларни тайёрлашлари керак. Технология асбобускуналари, приборлар тайёрлаш ва уларни комплект тарзда етказиб бериш учун машинасозлик индустрияси корхоналари масъулияти ва интизомини ошириш муҳимлиги таъкидланди, буларнинг сифати ва пишиқ-пухталигини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Партия комитетларига бевосита қурилиш ташкилотлари коллективларидаги ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишнинг савиясини ҳамда натижадорлигини кўтариб, бу ишни ишлаб чиқаришдаги конкрет вазифаларни ҳал этиш билан, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш билан узвий равишда боғлаб олиб бориш тавсия этилди. Ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг маҳоратини ошириш, барқарор коллективларни вужудга келтириш учун қурилишларнинг раҳбарларига нисбатан талабчанлик кучайтирилсин.

Капитал қурилиш планларининг бажарилишини таъминлаш масаласини муҳокама қилиш чоғида кенгаш қатнашчилари кўрилаётган чораларни гапириб бердилар, бу ишдаги мавжуд камчиликларни ва танг жойларни бартараф этишга оид бир қанча танқидий мулоҳаза ва таклифлар айтилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари М. С. Горбачев ва Г. В. Романов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ва бошқалар иштирок этдилар.

А. А. ГРОМИКОНИНГ ВХРГА ВИЗИТИ ҲАҚИДА

ВСИП Марказий Комитети билан Венгрия ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико шу йил апрель ойининг иккинчи ярмида расмий дўстлик визити билан Венгрия Халқ Республикасига боради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Р. М. ДОШЧАНОВНИ «ЕНГИНДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўт ўчиришдаги фидокорлиги учун ўртоқ Рашид Муратбоевич **Дошчанов** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Енгинда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1984 йил, 9 апрель.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси 1984 йил 11 апрель куни СССР Олий Совети палаталарининг Кремлдаги мажлислар залида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида мажлисларида очилади.

Миллатлар Советининг мажлиси эрталаб соат 10 да бўлади.

Иттифоқ Советининг мажлиси кундуз соат 12 да ўтказилади.

21 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛАРИ ҲУЗУРИДА

«Ташхимсельмаш» заводидан Константин Караянов билан Сергей Мирошников бошлиқ йиғувчи слесарлар смена топшириғини 15-20 процент ошириб адо этишни мўлжаллаб қўйдилар. Бошқа цехларнинг коллективлари ҳам оширилган мажбурият қабул қилдилар. 21 апрелда завод конвейеридан жами ўнта қудратли ОВХ-28 чанглатгич-пуркагич, 15 та ғўзапоя юладиган машина тайёр бўлиб тушади. Қишлоқ механизаторлари бир неча минг сўмлик машина-механизмларнинг запас қисмларини оладилар.

САМАРҚАНД ТРИКОТАЖЧИЛАРИ СЎЗИ

Шанбалик куни Трикотаж фабрикасида янги тикувчилик поток линияси ишга туширилади. Бу эса ички трикотаж ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини 60 процент ошириш имконини беради. Фабрика 21 апрелда 18 мингта буюм ишлаб чиқаради. Бу эса одатдаги кунларга қараганда анча кўпдир. Бунда ана шу буюмларнинг ярмини йил бошидан буён тежаб қолинган материаллардан тайёрлашга қарор қилинди.

ИЛҒОР БРИГАДАДАН ЎРНАК ОЛИБ

«Ўзтрансспецстрой» бирлашмасига қарашли 131-механизациялашган колоннадан Виктор Земляков билан Турди Абраматов бошлиқ қувур ётқизувчилар бригадалари шанбалик куни смена нормасини бир ярим баравар ошириб бажаришга қарор қилдилар. Улар қурувчилар орасидан ўрнак олиб шу куни энг юқори унумдорликка эришишни мўлжалламоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра механизациялашган колонна коллективи 21 апрелда 4400 сўмлик — одатдагидан анча кўп қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

ИШИМИЗНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ИНТИЗОМ — ҚОНУН

Соғлом маънавий муҳит, мустаҳкам интизом қарор топган меҳнат коллективларида план топшириқлари муваффақиятли бажарилиши, сифат ва самарадорликка эришиб борилиши табиий. Бундай коллективларда янгиянги ташаббуслар туғилади, кишилар ўз қобилиятларини тўлароқ намоён этиш имкониятига эга бўладилар. Бу фазилатларнинг ҳаммаси пировард натижада экономикамизнинг янада мустаҳкамланишида нечоғли муҳим роль ўйнаши сир эмас.

Фарғона области шаҳар ва қишлоқларида меҳнат интизомига қатъий риоя қилиб, иш вақти, хом ашё ва материаллардан, механизм ва дастгоҳлар қувватидан тадбиркорлик билан фойдаланиб, энг яхши самарага эришаётган коллективлар кўп. Шуниси характерлики, улар тўплаган тажрибалар ҳамманинг мулкига айлантириб борилмоқда.

Аммо биз меҳнат ва технологик интизом бузилиш, брак ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, давлат, халқ мулкини талон-торож қилиш фактлари ҳам содир бўлиб турганлигидан кўз юма олмаймиз. Область халқ контроли комитетлари давлат ва жамоат мулкини, халқ мулкини авайлаб сақлаш масалаларини ҳамиша диққат марказида тутмоқдалар. Ўтган йили ҳамда шу йилнинг икки ойи ичида халқ контроли комитетлари ва штатсиз ходимлари давлат ва план интизомига риоя этилишининг аҳволини ўрганишга бағишлаб 140 дан ортиқ текшириш ва рейдлар ўтказдилар. Корхона ва муассасалар, колхоз ҳамда совхозлардаги халқ контроли бош группалари ҳам шу давр мобайнида янада кенгроқ қўламларда иш олиб бордилар. Чунончи, ўтказилган текшириш ва рейдларнинг қарийб 4 мингтаси давлат планларининг бажарилиши ва меҳнат интизомининг аҳволини ўрганишга бағишланди. Гап шундаки, текшириш якунлари қатъий, принципиал позицияда туриб муҳокама қилинди, айбдорлар жазоланиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни узил-кесил бартараф этиш юзасидан таъсирчан тадбирлар белгиланди.

Биргина мисол. Халқ контроли комитетлари ва уларнинг штатсиз ходимлари хўжасизлик, талон-торож ва камомат оқибатида давлатга 900 минг сўмдан кўпроқ зарар етказилганлигини аниқлаган эдилар? Кўпол хатога йўл қўйган шахслардан бир қисми масъул ходимлар бўлиб чиқди. Аммо давлат қонунлари, тартиб-интизом ҳамма учун бир. Хатога йўл қўйган киши қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар қилмишига яраша жазоланиши шарт. Ўз мансабини суистеъмол қилган, давлат ва молия интизомини бузган ана шундай мансабдор шахслардан 45 киши вазифасидан четлаштирилди, 15 нафари ҳақидаги текшириш материаллари тегишли органларга юборилди. Текширишлар ниҳоясига етгач, жойларда план ҳамда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ўринсиз сарф-харажат ҳамда хўжасизликка мутлақо барҳам бериш юзасидан қатъий тадбирлар белгиланиб, раҳбар ходимларнинг топширилган иш учун масъулияти оширилди.

Аҳолига сифатли истеъмол моллари етказиб бериш, бу борада белгиланган план топшириқлари системали бажарилиши халқ контроли органларининг диққат марказида. Текширишдан ўтказилган 54 корхонанинг анчагинасида планларнинг бажарилиши ҳамда технологик жараёнлар устидан суст назорат ўрнатилганлиги маълум бўлди. Область халқ контроли комитети Фарғона шаҳридаги пойабзал фабрикасида текшириш ўтказганда бу борада жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Корхона қатор йиллар давомида белгиланган маҳсулот турлари бўйича план топшириқларини бажаролмай келган. Биргина ўтган йилнинг ўзида савдо тармоқларига бир миллион сўмликдан кўпроқ пойабзал етказиб берилмади. Кўп миқдордаги маҳсулот сифатсиз деб топилди. Маҳсулотнинг бир қисми қайта тиклаш учун корхонага юборилди. Корхона адресига раддиялар оқиб кела бошлади. Шуниси ачинарлики, фабрика омборларида 1,8 миллион сўмлик маҳсулот тўпланиб қолди.

Текшириш ва унинг якунлари муҳокамасидан кейин белгиланган таъсирли тадбирлар корхонада юз бериб келаётган талайгина нуқсонларни бартараф этишда муҳим роль ўйнади. Чунончи, мастерлар илғор тажриба мактаблари, ишчилар маҳоратини ошириш мактабларининг иш бошлаши, техника контроли бўлими штатларининг тўлдирилиши ва шунга ўхшаш чора ва тадбирлар корхонада анчагина ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Пойабзалларни қайта тиклашга жўнатиш уч баравар қисқарди, раддиялар ҳам камайди.

Сўнгги йиллар, жумладан, Фарғона областида ҳам қурилиш ишлари кенг авж олган давр бўлди. Бу соҳада яхши ишлар қилиняпти. Лекин айрим қурилиш ташкилотлари раҳбарлари фаолиятида давлат интизомига бўйсунмаслик фактлари ҳам содир бўляптики, бундан сира кўз юма олмаймиз. Областдаги қатор қурилиш трестларида ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, уй-жой, маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш объектлари қурилишида кўзбўямачилик, хўжасизлик, брак иш бажариш ҳоллари кўплаб содир бўлмоқда. Республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 18-қурилиш трести фаолияти текширишдан ўтказилганида, 5,4 минг сўмлик материал ноўрин чиқитга чиқарилгани, 32 минг сўмлик материал эса, ҳеч қандай асоссиз бошқа жойларга бериб юборилгани маълум бўлди. Фактлар молиявий масалаларда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилганини кўрсатиб турибди. Область халқ контроли комитети текшириш якунларини кўриб, қатор мансабдор ходимларни тегишлича жазолади.

Бажарилмаган ишни бажарилди деб ёзиш, кўзбўямачилик меҳнат интизоми бузилишининг энг кўпол кўринишидир. Афсуски, бу иллатга ҳалигача узил-кесил барҳам берилгани йўқ. Текширишларда Ленинград район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари икки йил ичида 621 сўмлик ишни ошириб ёзишганлиги маълум бўлди. Область халқ контроли комитети бошқарма бошлиғи ва бош бухгалтерни вазифаларидан четлаштирди. Меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўйганликлари учун область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари ҳам қаттиқ жазоландилар.

Областимизда халқ контроли органлари атрофига уюшган кўп минг кишилик назоратчилар актив фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ, давлат мулкига кўз олайтирувчилар, талон-торожчилар, меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан муросасиз кураш олиб бориб, ҳақгўйлик ва принципиаллик кўрсатиб, зиммаларидаги ғоят масъулиятли жамоат топшириғини виждонан адо этмоқдалар.

С. ТОШТЕМИРОВ,
Фарғона область халқ контроли комитетининг раиси.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

МУНОСИБ ҲИССА

Узбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати халқ контроли бош группаси назоратчилари ишлаб чиқаришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича актив фаолият кўрсатмоқдалар.

Сўнгги бир йилда 1,6 миллион киловатт-соат электр энергияси, 745 тонна шартли ёнилғи иқтисод қилиниб, 3200 сўмликка яқин материал тежаб қолинишида назоратчиларнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Комбинат халқ назоратчиларидан С. Бариева, М. Сабаева, З. Охунмирзаева, Э. Нуриддиновлар жамоат топшириғини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ЖОНКУЯРЛАР

Қамаши район халқ контроли комитетининг Эргаш Саидов етакчилик қилаётган штатсиз бўлими меҳнаткашларнинг таклиф, ариза ва шикоятлари билан ишлашга катта эътибор билан қарамоқда. Улар кейинги вақтда ўнлаб шикоятларнинг холис, одилона ва принципиал ҳал этилишига кўмаклашдилар. «Марксизм» колхозида прораб Қосим Ҳалилов бошлиқ бинокорлар ремонт-қурилиш ишларини сифатсиз бажараётганликлари, район ўрмончилик идорасида дарахт уруғи экиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бу соҳадаги планлар адо этилмаётганлиги юзасидан тушган сигналлар бўйича олиб борилган ишлар ана шулар жумласидандир. Айбдорлар қаттиқ жазоланиб, коллективларда ишни яхшилаш юзасидан таъсирчан тадбирлар белгиланди.

А. БОБОЕВ.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ТАЛАБЧАНЛИК УНУТИЛГАЧ

Узбекистон ССР Халқ контроли комитети шуни таъкидлайдики, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, унинг аҳоли ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар, медицинада қўлланиладиган буюмлар билан таъминловчи республика дорихоналар бош бошқармаси ишида камчиликлар содир бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари ва меҳнаткашларнинг бир қатор зарур дори-дармонларга бўлган талаби қониқарли бажарилаётгани йўқ, мавжуд дори-дармонлардан фойдаланиш, уни тақсимлашда тартиб-қоидалар бузилмоқда.

Берилаётган талабномаларда дори-дармонларга бўлган эҳтиёж тўла ҳисобга олинмаётир. Бу эса ўз навбатида аҳоли медицина препаратлари билан етарли таъминланмаслиги, баъзи дориларнинг республика аптека тармоғида асоссиз равишда тақчил бўлишига олиб келмоқда.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бош аптека омборига келаётган дори-дармонлар ҳар доим ҳам ўз вақтида тақсимланмаётир. Область аптека бошқармалари фаолиятида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Натижада хўжалик ҳисобидаги аптека ва даволаш муассасалари таъминотида узилишлар рўй бераётир.

Айниқса, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган эмас. Аптека пунктларида белгиланганидан 3-4 баравар кам — 30-50 номдагина дори-дармонлар мавжуд. Ҳамон аптека хизмати кўрсатиш савияси пастлигича қолмоқда. Республика аптека тармоқларида зарур дори-дармонлар кўпинча топилмайди. Беморлар церебролизин, лидаза, АТФ ва облепиха мойи сингари камёб дори-дармонлар учун узоқ муддат навбатда туришга мажбур бўлмоқдалар. Аптекалар ҳамда санитария ва гигиена магазинларида баъзи медицина буюмлари, дори-дармонларни яшириб қўйиш туфайли уларга бўлган талаб кучаяётир. Харидорлар ранжиб қолаётирлар. Ҳолбуки, бундай маҳсулотлар кўп ҳолларда аптека омборларида керакли миқдорда сақлаб келинмоқда.

Республика аптека муассасаларида меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг илғор методлари кам қўлланилмоқда. Ахборот хизмати суст йўлга қўйилганлиги ҳамда аптекалар ва даволаш муассасалари ўртасида тегишли алоқанинг йўқлиги натижасида врачлар томонидан ниҳоятда камёб дори-дармонлар учун рецепт ёзиб бериш фактлари учрайди. Беморлар ушбу эътиборсизлик туфайли кўплаб вақтларини дори-дармон излаб беҳуда ўтказмоқдалар.

Даволаш муассасаларида дори-дармонлардан фойдаланишда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Баъзи ҳолларда беморлар уни чет жойлардан қидиришга мажбур бўлмоқдалар. Врачларнинг кўрсатмалари бажарилмаслиги, бетоб кишилар тегишли равишда даволанмаслиги фактлари учрайди.

Тошкент шаҳридаги аптека ва даволаш муассасаларида дори-дармонлар билан таъминлаш тартиблари қўпол равишда бузилмоқда. Шаҳар аптека бошқармаси раҳбарларининг айби билан тақсимот иши қониқарсиз ўтказилаётир. Айрим товарлар баъзи аптекаларда тўпланиб қолиб, айримлари унга эҳтиёж сезмоқдалар. Республикамиз пойтахтида марказий ахборот бюроси ташкил этилмаган. Мавжуд 140 та аптекадан бор-йўғи 13 тасидагина ана шундай бюро ишлаб турибди. Аптека тармоқларида зарур дори-дармонларнинг йўқлиги, таъминот ишларидаги ўзбошимчалик, харидорларга нисбатан эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш, қўполлик қилиш, шаҳар аптека бошқармаси, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳамда унинг дорихоналар бош бошқармасига кўплаб хат ва шикоятлар ёзилишига сабаб бўлмоқда.

Сирдарё область соғлиқни сақлаш бўлими, область аптека бошқармаси томонидан назорат ишларининг яхши ташкил этилмаганлигидан доимий ҳаракатдаги район ва шаҳар комиссиялари суст фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ушбу область аптека тармоқлари ва даволаш муассасаларида дори-дармонларни нотўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Бу масалада Тошкент ва Андижон областларида ҳам иш яхши йўлга қўйилган эмас. Текшириш ўтказилган кўпгина аптекаларнинг моддий-техника базаси санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. 350 аптека биноси бажариладиган иш кўламига мос эмас. Бу ўз навбатида дори-дармонларнинг сақлаш шароитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни вақтда Узбекистон ССР Қурилиш ва Қишлоқ қурилиши министрликлари ҳамда Главташкентстройнинг аптека ва аптека омборларини қуриш суръатларини кўтармаётирлар.

Узбекистон ССР Халқ контроли комитети республика Соғлиқни сақлаш министрлиги эътиборини директив органларнинг аҳолини дори-дармонлар ва медицинада қўлланиладиган буюмлар билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмалари қониқарсиз бажарилаётганлигига қаратди. Текширилган областлар ва Тошкент шаҳрида аптекалар, даволаш муассасалари ўртасида зарур алоқа йўлга қўйилмаганлигига эътибор жалб этилди. Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг дорихоналар бош бошқармасига бу соҳада ишни ташкил этишда эътиборсизлик содир бўлаётганлиги, текширилган областлар ва Тошкент шаҳар аптека бошқармалари фаолияти устидан зарур контрол йўлга қўйилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Хўжалик ҳисобидаги аптекалар, санитария ва гигиена магазинлари фаолиятида жиддий хато ва камчиликлар юз берганлиги, уларнинг иши устидан тегишли контрол йўлга қўйилмаганлиги, айрим аптекаларда беморларга нисбатан қўпол ва эътиборсизлик билан муносабатда бўлинганлиги учун Тошкент шаҳар аптека бошқармаси бошлиғи С. Абдураззоқов вазифасидан четлаштирилди. Камёб дори-дармонларни тақсимлаш доимий комиссиялари фаолияти қониқарсиз ташкил этилганлиги, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги ҳамда ахборот ишлари суст йўлга қўйилганлиги учун Сирдарё область аптека бошқармаси бошлиғи Э. Тожиевга ҳайфсан эълон қилинди.

Дори-дармонлардан фойдаланишда тегишли тартиб-қоидалар бузилишига йўл қўйилганлиги, стационар даволашда бўлган беморларнинг чет жойлардан камёб дори-дармонларни сотиб олиши фактлари содир бўлганлиги, хўжалик ҳисобидаги аптекалар ва даволаш муассасалари ўртасида зарур алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги сингари қатор камчиликлар билан муроса қилиб келган Сирдарё область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Д. Жабборов, Андижон аптека бошқармаси бошлиғи Ш. Умаровлар тегишлича жазоландилар. Ишда камчиликларга йўл қўйилганлиги учун Тошкент область аптека бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Салдинага танбеҳ берилди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози халқ контроли группаси аъзоларидан Т. Асомов, Ю. Абулқосимов ва Д. Бегматовлар Журавой Умаров (чапдан) бошлиқ звено далаларида чигит экишнинг сифатини кўздан кечиришяпти. В. Молгачёв фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК — ЭЪТИБОРДА

Корхонамиз назоратчилари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш масалаларига эътиборни тобора кучайтирмоқдалар. Материал ва пул маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан текшириш ва рейдлар ўтказиб турилибди.

Текширишларнинг бирида 33 процентга яқин йигирилмаган ипак чиқиндига чиқиб кетаётганлиги аниқланди. Бу ишлаб чиқаришга салбий таъсир этиб, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг пасайишига сабаб бўлган. Айрим мутахассислар, мансабдор кишилар эса бунга эътиборсизлик билан қараганлар. Халқ контроли группаси текшириш якунларини корхона маъмуриятига чора кўриш учун тавсия этди. Масала кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинниб, айбдорлар тегишлича жазоланди. Тола йигириш технологиясининг бузилишига йўл қўйганлиги учун баъзи айбдор шахслардан келтирилган зарарнинг қиймати ундириб олинниб, 37 киши мукофотлардан маҳрум этилди. Энг характерлиси шуки, халқ назоратчилари бу камчиликни аниқлаш билан чекланмай, уни бартараф этишда фаол қатнашдилар. Шу масалага оид рационализаторлик таклифлари билан чиқдилар. Кейинги икки йил мобайнида актив назоратчиларимиздан В. Козлова, С. Валишоева, Р. Шодиева сингари рационализаторларнинг таклифлари 200 минг сўмликка яқин иқтисодий наф келтирди.

Р. КАМОЛОВ,
Бухоро пиллакашлик фабрикаси халқ контроли группасининг раиси.

ДИҚҚАТ: ТАЖРИБА

ИЗЧИЛЛИК САМАРАСИ

Наманган район қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш хўжаликлараро корхонаси коллективи йил сайин янги-янги марраларни эгалламоқда. Бу юксалишларга халқ контроли группасининг фаолияти самарали таъсир кўрсатаётир. Унинг ишлари билан танишар экансан, беихтиёр халқ мулки жонкуярларининг ҳаракатларидан мамнуният сезасан, киши.

Назоратчилар ишидаги муваффақиятнинг энг асосий шартлари шундаки, улар ҳар бир тадбирни амалга оширишга ижодий ёндашадилар, ташаббус кўрсатадилар. Уларнинг меҳнатдаги шахсий намунаси, нуқсонларга муросасизлиги ҳам катта наф келтирмоқда. Халқ контроли группасининг раиси Э. Ҳамдамов, халқ назоратчилари С. Умарова, Ш. Фазлиддинов, назорат постининг бошлиғи Ф. Хариповларга хос бу фазилатлар рейдлар, текширишлар самарадорлигини оширишга ёрдам бераётир.

Бирлашма халқ контроли группаси бу йиғилишга алоҳида тайёргарлик кўрди. Гап шундаки, бир ойча муқаддам ташвишли сигнал олинганди. Унда айрим ихтисослаштирилган бўлимларда техникани кўкламга тайёрлашдаги нуқсонлар, машиналар айрим нуқсонлар билан ремонтдан чиқарилаётгани ҳақида сўз борарди. Табиийки, бу принципиал масала бўлиб, дарҳол текшириб чиқиш талаб қилинарди. Группа раиси оммавий кўрик ўтказишни таклиф қилди. Бу, айниқса, кўкламги экиш арафасида ғоят зарур эди. Группа раиси раҳбарларни кўрикнинг мақсади ва вазифаларидан хабардор қилиб қўйди, техника ремонтига тааллуқли ҳужжатлар билан танишиб чиқди. Текширишга бирлашма назоратчиларидан ташқари хўжаликларнинг мутахассислари, «Комсомол прожектори» активлари ҳам таклиф қилинди.

Текшириш нималарни кўрсатди? Қисқаси, кўпгина нуқсонлар маълум бўлди. Ленин номли колхознинг устахонасида тракторлар ремонти суст борарди. Ишлар сифатсиз, яроқсиз деталлар янгилари билан алмаштирилмай, яна ўз ўрнига қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. Шу нуқсонларга қарамай, ҳисоботларда бу тракторлар ремонтдан чиққанлиги қайд қилиб бориларди. «Коммунизм», Энгельс номли колхозларнинг устахоналарида ҳам мана шундай нуқсонларга йўл қўйилган. Ремонтдан чиққан ҳар уч трактор-нинг бирида ўқ подшипниклари кўздан кечирилмаган, тормоз системалари созланмаган, қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш қоидалари бузилаётган эди. Боз устига бирлашманинг савдо базаси эҳтиёт қисмларни баравар тақсимламаётганлиги ҳам аниқланди.

Оммавий кўрик натижаларини муҳокама қилиш пайти ҳам етиб келди. Группа йиғилишига ремонт ишида хўжасизликка, ўзибўларчиликка йўл қўйган айбдорлар, хусусан ихтисослашган бўлимларнинг бошқарувчилари М. Тожибоев, Т. Эгамов, У. Жамолиддинов, техника хизмати станциясининг бошлиғи М. Матвалиев, савдо базасининг директори Н. Тожибоев ўртоқлар таклиф қилинди. Йиғилишда партия бюроси ва маъмурият вакиллари ҳам иштирок этишди. Кўрик комиссиясининг раҳбари Ф. Харипов ахборот берди. Кейин жиддий муҳокама бошланди. Айбдорлар муфассал тушунтиришлар беришар, назоратчиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтаришарди. Чунончи, айбдорларга: «Тракторлар ремонти тугаганлиги ҳақида рапорт беришга ким мажбур қилди?». «Ахир улардан ҳар бирининг икки-учтадан нуқсони бор-ку?». «Нега тормоз системалари созланмаган?». «Хизмат гарантияси қачон кучга киради?». «Етказилган зарарларни ким қоплайди?» сингари саволлар берилди. Умуман, муҳокама ғоят принципиал ўтди. Ҳар бир нотиқ масалага талабчанлик билан ёндашиб, амалий таклифлар киритди.

Мен, айниқса, халқ контроли группаси аъзоларидан Р. Нуритдинов, Н. Умарчаев, Ш. Эшматов ўртоқларнинг нутқларини алоҳида эслаб қолдим. Улар айрим ремонтчиларнинг ишга совуққонлик билан қарашганлигини аёвсиз танқид остига олиб, маъмуриятдан уларни қаттиқ жазолашни талаб қилишди. Шу билан бирга техникани дала ишларига тайёрлаш учун шошилинч чоралар кўриш лозимлигини таъкидлашди. Принципиал масалаларни шу тариқа биргаликда муҳокама қилиш муҳим тарбия мактабига айланди, зарур қарор қабул қилишга ёрдам берди. Чунончи, йиғилишда айбдорларга жамоат танбеҳи берилиб, улардан кўрсатилган камчиликларни икки ҳафталик муддатда бартараф этиш талаб қилинди. Деталларни ноўрин «чиқит» қилганлиги, бажарилмаган ишлар учун маош тўлаганлиги учун техника хизмати станциясининг бошлиғи Матвалиев ва савдо базасининг директори Тожибоев ўртоқларни моддий жавобгарликка тортиш маъмуриятга ҳавола этилди.

Шуни айтиш керакки, бирлашма маъмурияти халқ назоратчилари қарори юзасидан таъсирчан чоралар кўрди. Ишда интизомсизликка йўл қўйган ходимлар қаттиқ жазоланди, камчиликларни дарҳол бартараф этиш чоралари белгиланди. Икки ҳафта ўтгач, группа такрорий кўрик ташкил этди. Тавсияларнинг асосий қисми бажарилганлиги аниқланди. Қисқа муддатда тракторлар ва бошқа агрегатлар сифатли созланган, тайёрлик чизиғига қўйилган эди. Уларни сақлаш, эҳтиёт қисмларни тақсимлаш ишида тартиб ўрнатилганди.

Халқ назоратчиларининг қатъияти ва принципиаллиги айбдорларга катта маънавий таъсир кўрсатди, тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. Шуни айтиш кифояки, бир йил мобайнида халқ назоратчилари йиғилишида 17 мансабдор шахс тушунтириш берди, 17 кишига жамоат танбеҳи берилди. Текшириш натижаларини шу тариқа коллектив бўлиб муҳокама қилиш тажрибаси топширилган иш учун ходимларнинг масъулиятини кучайтираётир.

Айбдорларга жамоат таъсири кутилган натижа бермай қўйганида, группа текшириш материалларини район халқ контроли комитети муҳокамасига ҳавола этяпти. Чунончи, «Коммунизм» ва Оржоникидзе номли колхозларнинг ихтисослаштирилган бўлимларида нефть маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи текширилганидан кейин шундай бўлди. Ушанда район халқ контроли комитети группа таклифини қўллаб-қувватлаб, 19,5 тонна нефть маҳсулотини ортиқча сарфлаб юборган айбдор мансабдор шахсларга пул начёти ёзди.

Бирлашма халқ контроли группасининг аъзолари ўнлаб катта-кичик масалаларни шу тариқа ишчанлик билан қараб чиқишмоқда. Кўпинча етилган масалалар «йўл-йўлакай» — текширишлар жараёнида ҳал этиляпти. Топширилган иш учун жонкуярлик, юксак талабчанлик ва принципиаллик — «Госкомсельхозтехника» Наманган район бирлашмаси халқ контроли группаси коллективига муваффақият ва обрў-эътибор келтираётган жиҳатлардир.

А. БУГЛАНОВ,
Узбекистон ССР Халқ контроли комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари.

РАССОМ ХАНДАСИ

ҲОТАМТОЙЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Агар давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилувчилар учун конкурс ўтказилса борми, К. Отаниёзов номли Хоразм область давлат филармонияси раҳбарлари олдига тушадигани топилиши қийин бўларди. Нега дейсизми? Унда қўйидаги факт ва рақамларга эътибор қилинг!

Бу ерда молия-хўжалик ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Штатдаги ходимларга мукофот пули бериш, ўриндошлик ва шартнома йўли билан ишлаётган штатсиз ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш, командировка учун ажратилган маблағлардан фойдаланишда кўпол хатоликларга йўл қўйилмоқда. Ҳисоб-китоб ишларида кўзбўямачилик ҳам содир бўлмоқда. Филармония артистлари Қарши шаҳрида яшаганликлари учун деган қалбаки ҳужжатлар рўйхат қилиниб, юзлаб сўмлик маблағ ҳисобдан чегириб ташланганлигини нима деб баҳолаш мумкин? Филармония машинаси икки марта меҳнат шартномасисиз шахсий кишиларга ремонт қилдирилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмай, давлат ҳисобидан 400 сўм тўлаб юборилган.

Хоразм область давлат филармонияси директори К. Раҳимов давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилиш ҳолларига қачон чек қўяр экан?

С. ОРИПОВ.

СОНДА БОР, САНОҚДА ЙЎҚ



Конимех районидаги Тельман номли совхозда қишлоқ хўжалик техникаси қандай сақланаётганини кўздан кечирган назоратчилар кутилмаган манзарачинг гувоҳи бўлдилар. Бу ерда техника қарови йўлга қўйилган эмас. Машина ва тракторларни авайлаб асраш, улардан самарали фойдаланиш билан жиддий шуғулланилмаётир. Тўққизта машина қисмларга бўлинганича ташлаб қўйилибди. Иккита трактор хизмат муддатини ўтамаёқ тегишли тартиб-қоидаларни четлаб ўтиб, ҳисобдан чиқариб юборилган. Етарли асослар бўлмагани ҳолда янги-янги техника воситалари сотиб олинмоқда. Натижада техникадан фойдаланиш коэффициенти камайиб, бу кўрсаткич ер ҳайдаш тракторларида бор-йўғи 15—20 процентга айланаётир.

Навоий районидаги «Қизил Октябрь» колхозидаги аҳвол бундан қолишмайди. Бу ерда ҳам 2 та трактор муддатидан илгари ҳисобдан чиқарилган. Энг таажжубланарлиси шундаки, ҳисобдан чиқарилган салкам 10 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникасининг бор-йўғи 1,3 процентигина фойдаланиш учун яроқли, деб қайд этилибди.

Ҳар икки хўжаликнинг парвойи-фалак раҳбарлари бу соҳада тегишли тартиб-интизомни йўлга қўйишлари лозим.

Б. УРОҚОВ.

ЛОҚАЙДЛИК

«Трестимиз коллективи план топшириқларини муваффақият билан адо этиб келмоқда. Ўтган йили қурилиш-монтаж ишлари плани 101 процентга ўринланиб, меҳнат унумдорлигиннг 9 процент ўсишига эришилди».

«Каршистрой»нинг сув иншоотлари қурилиши трести раҳбарлари ана шундай баландпарвоз жумлаларни ёдлаб олишган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Уларнинг гапи турли йиғинларда ҳам, ишга оид суҳбат ва маърузаларда ҳам ана шу тоифа таъкидловларидан бошланади. Бизнингча, трестда эришилган натижаларни кўз-кўз қилавериш-дан кўра ташкилотчилик ишларини янада кучайтириш, барча бўлинмаларда яхши маънавий муҳит яратиш ҳақида қайғурилса тўғрироқ бўларди. Ҳолбуки, ўтган йили трестнинг 5 та бўлинмасидан 2 тасида меҳнат унумдорлигини ошириш, 3 тасида товар маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича планлар барбод берилди. Кадрлар қўнимсизлигига чек қўйилмаётир. Бу ерда жами 973 та ходим бўлгани ҳолда бир йилда 560 киши ишдан бўшатилиб, 513 киши ишга қабул қилинганлигини нормал ҳол деб ўладимми?

Айниқса, механизатор кадрлар, бетончи, ғишт терувчи, газ-электр пайвандчилар билан шуғулланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 6- ва 7-қурилиш-монтаж бошқармаси участка ва бригадаларида қилинаётган ишлар расман қайд этилади. Бошқармалар фаолияти таҳлил қилиб турилмайди. Илғор иш методларини жорий этиш ниҳоятда суст олиб борилмоқда.

«Гидростроя» қурилиш трести бошқарувчиси Э. Суяров, 7-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Р. Жумаев, 6-қурилиш бошқармаси бош инженери Т. Раҳматуллаевлар бинокорлар ўртасидаги бундай хотиржамлик кайфиятига қарши талабчанликни кучайтириш билан қачон чинакамига шуғулланишар экан?

Т. САЛОМОВ,
Б. ҚИРҒИЗОВ.
Қашқадарё области.

Рассом **А. Холиқов.**

ЭКИШДА СИФАТ, ЯНА СИФАТ

Бу йил республикамизнинг юбилейига колхозимиз меҳнаткашлари муносиб совғалар тайёрлашга аҳд қилдилар. Пахтакорларимиз гектар ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, давлатга 5500 тонна «оқ олтин» армуғон этиш мажбуриятини олишди. Нуриддин Тожибоев, Абдураҳим Жўраев, Йўлчибой Нишонов, Набижон Жўраевлар бошлиқ бригадалар эса бу йил 50 центнерчилик ҳаракати ташаббускорлари сифатида майдонга чиқдилар. Колхозимиздаги бешта бригада ҳар гектар ердан 40—45 центнердан, учта бригада эса қўриқ ерларнинг гектаридан 30—35 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғладилар.

Бу йил баҳор анча кечикиб келди. Шу туфайли мавсумни ғоят қисқа фурсатларда ўтказишга тўғри келяпти. Колхоз правлениеси ва партия комитети шуни ҳисобга олиб, яқинда ўтказилган йиғилишда чигит ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишни ўн иш кунида илғор агротехника муддатларида ниҳоясига етказиш тадбирларини белгилаб чиқдилар.

Хўжалигимизда бу йил 1213 гектар майдонга чигит экилади. Ерларнинг тупроқ структурасини ҳисобга олиб чигит экишни бошлаб юбордик. Бу соҳадаги тадбирларни тезроқ амалга оширищ учун барча имконият ва резервлар ишга солиняпти.

Юбилей йилининг улкан ҳосили учун мардона курашаётган хўжалигимиз аъзолари экин-тикин билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўз вақтида сифатли амалга оширишяпти. Кузда шўри ювилган, яхоб берилган ерларни планировка қилиш тезкорлик билан олиб борилаётир. Бу ишга 60 та бульдозер ажратилган. Тўртта маҳаллий ўғит сепадиган агрегат инки сменада ишлатиляпти. Ўғитлаш схемасига кўра бу йил 400 гектар ернинг ҳар гектарига 50—55 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз.

Механизаторларимиз мавсумни барча техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқарган ҳолда қарши олдилар. Ҳозир ғўза парвариши даврида ишлатиладиган агрегатлар созланяпти. Ремонтдан чиқарилган механизмлар сифат комиссияси аъзолари томонидан кўрикдан ўтказилаётир. Аниқланган нуқсонлар тугатилмоқда. Ерлар экиш олдидан чизел билан юмшатилиб, пешма-пеш мола босиляпти.

Ерларни экишга сифатли ҳозирлашда гап кўп. Парвариш даврида кесак кўчмаслиги ва тупроқнинг майинлигига эришиш учун пайкалларда узунасига ва кўндалангига мола босилади. Шундан сўнг майдон у бурчакдан бу бурчакка қараб бороналанади ва яна мола босилади. Шунда тупроқ майинлашади ва табиий нам яхши сақланади. Ҳозир далаларимизда қирқдан зиёд борона ва мола ишлатилмоқда.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

Барча бригадаларда чигит экиш сеялкаси ва тракторларнинг бенуқсон ишлатилишини таъминлаш учун махсус кўчма устахоналар ташкил этилган. Мавсумнинг қизғин кунларида 130—140 гектар майдонга чигит экишга эришамиз. Уруғ ташлаш билан бир пайтда ерларни озиқлантиришга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Ҳар гектар ерга 30 килограммдан азот, 100 килограммдан суперфосфат солинади.

Ҳосил кўчатдан олинади, дейди халқимиз. Шунинг учун гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш доимо диққат-эътиборда бўлиши табиий. Чигит экиш ниҳоясига етиши биланоқ ўқариқлар олиб, тут дарахтларини суғоремиз? Суғоришдан олдин ўқариқлар пуштасига ҳам чигит экилади. Шу йўл билан гектарларнинг тўла бўлишига эришамиз.

Баҳорда тез-тез ёғингарчилик бўлиши табиий. Шуни ҳисобга олиб ҳозирдан бошлаб қатқалоққа қарши кураш тадбирларини ҳам белгилаяпмиз. Бунинг учун 12 мослама ишга шай қилиб қўйилди. Бу мосламалар ёрдамида чигит экиш билан бирга уялар устига майдаланган маҳаллий ўғит сепилади. Биз бу тадбирни шўрхок ерларда кенг амалга оширамиз.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада ишлаётганлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни энг муҳим вазифалардан деб билади, 17 та дала шийпони мавсумга тахт қилиб қўйилди. Ҳар бир шийпонда дорихона, кўчма кутубхона, сотувчисиз дўкон, газета ва журналларнинг янги сонлари, спорт анжомлари мавжуд. Шунингдек, хўжаликдаги тўртта доимий болалар боғчаси, қишлоқларда 12 мавсумий боғча-ясли ҳам ишкил қилинди. Шуларга 640 бола қабул қилинади. Мавсумда меҳнаткашларнинг 900 дан зиёд фарзандлари боғча-яслиларда тарбияланади. Бу эса колхозчи оналарнинг далада бемалол меҳнат қилишларини таъминлайди.

Колхозчилар, сувчилар, механизаторлар орасида социалистик мусобақа кун сайин авж олиб бормоқда. Мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётир. Экишни барвақт сифатли ўтказгани ва чигитни қийғос ундириб олган бригадага 250 сўм пул мукофоти, кўчма вимпел берилади. Колхоз бош агрономи Т. Сатимов бошлиқ сифат комиссияси бу мусобақа шартларининг бажарилишини назорат қилиб боради ва ғолибларни аниқлайди.

Колхозимиз аҳли ҳозирги кунда озуқа экинлари, эртаги сабзавот, маккажўхори экишни жадал олиб боряпти. 50 гектар ерга дон аралаш беда экдик. Колхозимиз деҳқонлари баҳорнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг ошириб бажарилишини таъминлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилаверадилар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
Ленинград районидаги Охунбобоев номли колхоз ранси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

Найни МАМАТҚОДИРОВ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС аъзоси, Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг комплекс механизациялашган маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи Найни Маматқодиров 1984 йил 7 апрелда тўсатдан вафот этди.

Н. Маматқодиров 1925 йил 5 сентябрда Андижон область Қўрғонтепа районидаги Ойим қишлоғида туғилди. Унинг бутун ҳаёти қишлоқ хўжалиги билан боғланган эди. У ўз меҳнат фаолиятини 1941 йилда Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозида ишчиликдан бошлади. Кейинчалик тўрт йил мобайнида гидротехник бўлиб, сўнгра ўн бир йил пахтачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлади. У 1970 йилдан бошлаб «Савай» совхоз-техникуми маккажўхорикорлар бригадасига бошчилик қилиб келди.

Н. Маматқодиров ўзининг бутун кучи ва ғайратини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига комплекс механизацияни жорий этишга бағишлади. Узоқ йиллар давомида орттирилган тажриба, қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришнинг агротехникасини чуқур

билиш унга суғориладиган деҳқончилик шароитларида биринчи марта ҳар гектар майдон ҳисобига дон учун маккажўхоридан рекорд — юз центнерлик ҳосил етиштириш имконини берди. У ўзининг бой тажрибасини бошқа маккажўхорикорларга ўргатди. Совхоз-техникум басасида маккажўхори етиштиришнинг республика илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Областда Найни Маматқодиров номли мукофот таъсис этилган. Бу мукофот дон учун маккажўхори етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган илғорларга берилади.

Н. Маматқодиров республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди. Тўққизинчи ва ўнинчи чақириқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди.

Маккажўхоричиликни ривожлантиришда катта ютуқларга эришганлиги учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Иккита Ленин ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, республиканинг истеъдодли маккажўхорикори Найни Маматқодировнинг ёркин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. Б. Усмонхўжаев, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Қ. Камолов, У. У. Умаров, Н. М. Маҳмудова, С. Мамарасулов, Ж. Ҳасанов, А. А. Уркинбоев, Б. А. Алламуродов, У. С. Саримсоқов, Б. Т. Болтабоев, Б. Абдураҳмонов, А. Тўланова.

Озиқ-овқат программаси—умумхалқ иши

ТАШАББУС ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Яқинда «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши мавзуи»даги навбатдаги радио-матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари Карим ИКРОМОВ республика газеталари ва радиоси мухбирлари саволларига жавоб қайтарди.

— Районимиз меҳнаткашлари СССР Озиқ-овқат программасининг асоси бўлмиш мева, сабзавот, картошка етиштиришни йил сайин кўпайтириш билан бирга чорвачиликни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Маълумки, район чорвадорларининг ўн биринчи беш йилликда чорвачиликни жадал ривожлантириш бўйича ишлаб чиққан тадбирларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаганди. Унда беш йиллик охирига бориб 1980 йилга нисбатан гўшт етиштириш 2 ярим баравар, сутни бир ярим, тухум тайёрлашни 6,1 баравар кўпайтириш кўзда тутилган.

Мана шу тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётган чорвадорларимиз ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида давлатга гўшт сотишни 1980 йилга нисбатан 1,7, тухум топширишни 1,3 баравар кўпайтиришга эришдилар. Сут соғиб олиш ва давлатга сотиш ҳам кўпайди.

Районимиз миришкорлари зардобчасига меҳнат қилмоқдалар. Чунки олдимиздаги вазифалар юксак ва масъулиятли, қилинадиган ишларимиз кўлами янада катта. Бу йўлда ҳали катта резервлар, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар бор. Хўш, улар нималардан иборат?

Масалан, гўшт етиштириш район хўжаликларида бирмунча муваффақиятли ҳал этилаётганига қарамай, энг йирик гўшт корхоналари ҳисобланган «ВЛКСМ 50 йиллиги» ҳамда «Ғаллақудуқ» саноат комплекслари иши бизни қониқтирмаяпти. «ВЛКСМ 50 йиллиги» комплекси бу йил 4 ярим минг тонна, 1985 йилга бориб 7 минг 700 тонна гўшт тайёрлаши керак. Белгиланган қувватга эришиш учун бу ерда катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари бажарилиши, бўрдоқига боқиладиган қорамоллар бош сони 24 мингга етказилиши керак. Ҳозир бу ерда лойиҳа қувватидаги 10 минг ўрнига 14 минг бош қорамол боқиляпти. Натижада озуқа масаласида анча қийинчиликлар туғилаётир. «Узглавзаготживпром» концентрат озуқаларни лойиҳа қувватига қараб ажратади. 4 минг бош қорамолга қўшимча озуқа ажратиб бериш ҳақидаги масала «Узглавзаготживпром», республика Қишлоқ хўжалик министрлиги раҳбарлари олдига қўйилди

Қорамоллар бош сонини ошириш бўйича ҳозир тадбирларда белгиланган даражага эга бўлсак ҳам бу бизни қаноатлантирмайди. Айниқса, сутчиликни ривожлантириш учун подадаги сигирлар салмоғини ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун район хўжаликларида сигирларни парвариш қилишнинг илғор усулларини кенг қўлланишга алоҳида аҳамият бериляпти.

Районимизда паррандачилик, айниқса шахдам одимлар билан ривожланмоқда. 1983 йилда пландаги 3 миллион 700 минг дона ўрнига 6 миллион 740 мингта тухум топширилди. Лекин 1984—1985 йилги марраларни эгаллаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми қарорида кўзда тутилган 120 минг товуққа мўлжалланган наслчилик паррандачилик репродукторини қуриб ишга туширишкерак. Бироқ 1982 йили бошланиши керак бўлган бу қурилишга ҳануз киришилгани йўқ.

1982—1985 йилларга мўлжалланган тадбирларимиз муваффақиятли ҳал этилишининг кўпгина бошқа резервлари ҳам борки район партия ташкилоти, меҳнат коллективлари, коммунистлар эътиборини ана шу резервларга доимий жалб этиб келмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ТЕЛЕФОНДАГИ ҲАНГОМА»

Газетанинг шу йил 15 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолага қўйидаги мазмунда жавоб олинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

Мақола область партия комитетида кўриб чиқилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатда Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида теплица ва ҳунар-техника билим юрти қурилиши секин бормоқда. Ҳозирги вақтда буюртмачи ва бош пудратчи томонидан юқорида кўрсатилган объектларда 1984 йил учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ:

Министрлик Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида қурилаётган теплица ва ҳунар-техника билим юрти қурилишидаги камчиликлар мақолада ҳаққоний танқид қилинган, деб ҳисоблайди. 1984 йил учун белгиланган пудрат ишлари плани бўйича ҳунар-техника билим юртида 250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш назарда тутилган.

Шу йилнинг январь ойида ҳунар-техника билим юрти қурилишида 55 минг сўмлик иш бажарилди. Йил давомида пудрат ишлари планида назарда тутилган ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларининг тўла бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Теплица қурилишида эса 1984 йил учун белгиланган пудрат ишлари планида 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва майдони бир гектардан иборат теплицани қуриб битказиб, фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВЛАР

ЖАКАРТА. «СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан музокаралар дўстона вазиятда, конструктив руҳда ўтди» деди Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа СССРга қилган расмий визити тугагандан кейин Антра агентлиги мухбири билан суҳбатда. У ўзининг Москвадаги учрашувлари Совет — Индонезия муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан фойдали бўлганлигини, ҳар иккала томон савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётганлигини намойиш қилганлигини таъкидлади.

М. Кусумаатмажа суҳбатида шуни таъкидладики, Москвада олиб борилган музокаралар натижасида СССР билан Индонезия ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан маслаҳатлашувлар практикасини кенгайтириш тўғрисида шартлашиб олдилар.

(ТАСС).

ПХР сейминнинг сессиясида

ВАРШАВА. (ТАСС). Бу ерда ПХР Сейминнинг навбатдаги сессияси бўлди. Депутатлар уй-жой қурилишининг аҳволи ва унинг истиқболи тўғрисида ҳукумат ахборотини муҳокама қилдилар, энергетика хўжалиги ҳақидаги қонунни ва бошқа бир қанча қонун лойиҳаларини тасдиқладилар.

Сессия ишида ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский ва ПХРнинг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

МИНИСТР ВИЗИТИ

БОГОТО. (ТАСС). Канада бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Макекен уч кунлик расмий визит билан Колумбияга келди. Шу куни мамлакат президенти Бетанкур уни қабул қилди. Суҳбат чоғида Марказий Америкадаги аҳволга доир масалалар ҳамда региондаги танг вазиятни тинч бартараф этиш соҳасидаги Контадор группасининг фаолияти муҳокама этилди.

ҲУКУМАТ МАЖЛИСИ

КОНАКРИ. (ТАСС). Бу ерда Гвинея янги ҳукуматининг биринчи мажлиси бўлди. Конакри радиосининг хабар қилишича, қуролли кучларнинг вакиллари ҳокимият тепасига келгандан кейин вужудга келган ички сиёсий аҳволга доир масалалар муҳокама этилган.

Мамлакатдаги вазият нормаллашмоқда. Миллий тикланиш ҳарбий комитетининг қарорига мувофиқ касаба союзлари фаолиятига жорий этилган тақиқлаш бекор қилинган. Республика президенти полковник Вансана Конте радио орқали эшиттирилган мурожаатида аҳолини осойишталик ва ҳушёрликни сақлашга даъват этган.

Социализм мамлакатларида

● САЛМОҚЛИ ҲИССА

ПРАГА. Прага олий иқтисодий мактабида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш учун бошқарув назарияси, иқтисодий психология ва социология, социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантириш фанлари асос қилиб олинган. Узнинг ўттиз йиллигини нишонлаган Чехословакиядаги энг катта олий мактаблардан бўлмиш шу ўқув юрти халқ ҳокимиятининг тенгдошидир. Уни битириб чиққан ўн мингдаб мутахассислар республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб турибди.

Олий иқтисодий мактабнинг илмий кафедралари Чехословакия экономикасини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Муаллимлар билан студентлар хўжалик механизмини такомиллаштириш тадбирлари комплексини амалга оширишда актив қатнашмоқдалар.

● ВЕНГРИЯ ФАРМАЦЕВТИКАСИНИНГ РИВОЖИ

БУДАПЕШТ. Ҳозирги беш йилликда Венгриянинг фармацевтика саноати узлуксиз ривожланмоқда. Республикадаги «Гедеон Рихтер», «Хиноин» ва «Биогал» сингари йирик корхоналар реконструкция қилиниши туфайли бунга эришилди.

Қардош мамлакатларнинг корхоналари ва илмий тадқиқот муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлик, ишлаб чиқариш ихтисослашувини ривожлантириш Венгрия фармацевтикаси муваффақиятли ривожининг муҳим шарти бўлиб қолди. Чунончи, Венгрия турли антибиотикларни ҳамда юрактомир касалликларини ва қон айланиш системаси бузилишини даволаш учун керакли дори-дармонларни тобора кўпроқ ишлаб чиқармоқда. Ўз навбатида у бошқа социалистик мамлакатлардан фармацевтика саноатининг турли маҳсулотларини харид қилмоқда. Шу йилнинг ўзида Совет Иттифоқи ВХРга 17 миллион сўмлик дори-дармон ва унинг компонентларини етказиб беради. (ТАСС).

АПРЕЛЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ АСОС СОЛГАН ЙЎЛДАН

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Халқ Демократик партияси Апрель революциясининг 27 апрелда тўладиган 6 йиллиги муносабати билан чақириқлар қабул қилди. Апрель революцияси, дейилади чақириқларда, афғон халқи олдида тараққиёт ва бахтиёрлик йўлини, янги адолатли ва демократик жамият қуриш йўлини очиб берди. Кенг халқ оммаси билан ўз алоқаларини тинмай мустаҳкамлаётган Афғонистон халқ демократик партияси бу жараёнда раҳнамолик ва йўналтирувчи роль ўйнайди.

АХДП Марказий Комитети мамлакат меҳнаткашларига, знёлиларига, партия ва оммавий жамоат ташкилотлари аъзоларига мурожаат қилиб, уларни АДРда яшовчи барча элатлар ва қабилалар бирлигини мустаҳкамлашга, саноат ва қишлоқ хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантиришга, босмачиларни тўла ва батамом тор-мор қилиш учун барча куч-ғайратларни сарфлашга даъват этди. Чақириқларда Афғонистонда янги жамият қуришда афғон ишчилар синфининг тарихий роли ҳамда ишчилар синфи билан деҳқонларнинг мана шу мақсадга эришиш манфаатлари йўлидаги иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлиги уқтириб ўтилади.

АХДП Марказий Комитети бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик таянчи бўлган Совет Иттифоқи ўтказаётган тинчлик сиёсатини тўлатўкис қўллаб-қувватлайди, АДР билан социалистик давлатлар революцион ва миллий-озодлик ҳаракатлари ўртасидаги бирдамликни мустаҳкамлаш муҳимлигини тасдиқлайди. Марказий Комитет Америка империализмининг агрессив йўлини, Қўшма Штатлар афғон халқига қарши бошлаган эълон қилинмаган урушни қатъиян қоралайди.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Халқаро ҳамжамият қарорғоҳида БМТнинг қуролсизланишга доир жаҳон конференцияси махсус комитетининг навбатдаги сессияси ўз ишини тугаллади. Шундай конференцияни чақириш тўғрисидаги ғояни Совет Иттифоқи олға сурган эди. Сессияда қайд этиб ўтилганидек, ер юзида тўпланган ажал уруғини сарчўпчи аслаҳахоналарни тугатиш билан боғлиқ проблемаларни муҳокама қилиш учун мўътабар анжуман чақириш тўғрисидаги таклиф халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланди.

ҚАТЪИЙ ҚОРАЛАНДИ

АДДИС-АБЕБА. Африка Бирлиги Ташкилоти ирқчи ЖАР режимининг суверен Лесото давлатига қарши кирдикорларини қатъиян қоралади.

Қўшни мустақил давлатларга қарши қаратилган агрессия, саботаж, таҳдид ва туҳмат-бўҳтон хуружлари — ирқчи Жанубий Африка Республикаси сиёсатининг таркибий қисмидир, дейилади АБТ бош секретарининг бу ерда тарқатилган баёнотида. Претория маъмурлари «қўшни давлатларнинг суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қиламиз ҳамда уларнинг ички ишларига аралашмаймиз» деган риёкорона сафсатабозликларига қарамай, Лесотодаги ҳукуматга қарши унсурларни қўллаб-қувватламоқда ва илҳомлантирмоқда. Преториянинг Лесотода ялпи сайлов ўтказилишига бевосита ҳарбий интервенция йўли билан ҳалақит бериш тўғрисидаги таҳдидлари айниқса хатарлидир.

Африка Бирлиги Ташкилоти халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, Претория режимини Лесотонинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилишга мажбур этишга даъват қилди.

(ТАСС).

Э Ъ Т И Р О Ф

МАДРИД. Испания ҳукуматининг раиси Ф. Гонсалес журналистлар билан учрашувда испанларнинг 75 процентининг мамлакатнинг НАТОда иштирок этишига қатъиян қарши эканлигини эътироф этди.

Маълумки, Испания 1982 йил баҳорида Шимолий Атлантика шартномаси ташкилотига қабул қилинган, аммо блокнинг ҳарбий структурасига кирмаган эди. Ўша йилнинг кузида ҳокимият тепасига келган социалистлар ҳукумати мамлакатнинг НАТОда иштирок этиши проблемаси юзасидан референдум ўтказишни ваъда қилганди. Бироқ шу масала юзасидан ҳанузгача аниқ бир қарор қабул қилингани йўқ. Ваҳолонки, кейинги вақтларда жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган савол-жавоблар аҳолининг кўпчилиги агрессив ҳарбий сиёсий гуруҳга аъзо бўлишга қарши чиқаётганлигидан далолат бермоқда.

(ТАСС).

АМЕРИКАГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК. Гондурас пойтахти Тегусигальпада мамлакат ишчилари, студентлари ва хизматчиларининг Америкага қарши кўп минг кишилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Гондурасда АҚШнинг ҳарбий кучлари туришини қатъий қораладилар ва иғвогарликдан иборат «Гренадеро-1» машқларида қатнашаётган Америка қўшинлари мамлакатдан чиқариб юборилишини талаб қилдилар.

Намойиш қатнашчилари Пуэрто-Кастильядаги ҳарбий машқ маркази тугатилишини ҳам талаб қилдилар. Ана шу марказда Сальвадор режимининг солдатлари Америка ҳарбий инструкторлари раҳбарлигида қўзғолончиларга қарши жазо операциялари тактикасига ўқитиб-ўргатилмоқда.

(ТАСС).

ЭРКИН ДУНЁ ҚИЁФАСИ

● 300 ВА 50000

Чикагодаги почта бошқармаси 300 та юк ташувчи кераклиги ҳақида эълон берди. Ана шу эълон бўйича ишчилар ёлланадиган жойларда 50 минг киши тўпланди. Ҳар бир ўрнига 170 киши! Лекин, бу нарса фақат Чикагогагина эмас, балки Қўшма Штатлардаги бошқа шаҳарларга ҳам характерлидир. «Чекланмаган имкониятлар ва инсон ҳуқуқлари мамлакати» бўлган АҚШда аҳвол ана шундай.

● ПУЛ САСИМАЙДИ

Америкадаги Сент-Луис шаҳри ва бир қатор маҳаллий католик ташкилотларнинг епископи, деб ёзади Португалияда чиқадиган «Диарну» газетаси, кинотеатр хўжайини сифатида ҳам катта даромад оляпти. Лекин аниқланишича, бу кинотеатрда мунтазам равишда порнографик фильмлар намойиш қилинаркан. Епископга кинотеатрнинг программаси диний ахлоққа тескарику, дейишганда, у ерда қанақа фильмлар қўйилаётганидан асло хабарим йўқ, деди бамайлихотир.

● РЕКОРДЛАР

Гиннесснинг рекордлар китобига аввал ҳам ёзилган Глини Вулф яқинда ўз рекордини яна янгилади. АҚШдаги Лас-Вегас шаҳрида истиқомат қилувчи 75 яшар бу қария 26-марта уйланди. Унинг янги рафиқаси Кристина Камачо 38 ёшда. Вулф аввалги ёстиқдошлари билан 19 кундан беш йилгача ҳаёт кечириб, ажрашиб кетаверган. Унинг аввалги хотинларидан 40 та боласи, шунингдек 24 та қайнонаси бор.

* * *

Америкалик альпинист Эл Уоки бу йил ҳам ўз чемпионлик унвонини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. 86 қаватли бинонинг энг тепа қаватига чопиб чиқиш бўйича ўтказилган мусобақада Уоки биринчиликни эгалладн. У 1575 зинани 11 минут 29 секундда босиб ўтди.

Шарҳловчи минбари

ИҒВОГАРОНА МАШҚЛАР

Потомак қирғоқларида ўт билан ўйнашиш, «зўравонлик намойиши» майдонлари тобора кучаймоқда. Жаҳоннинг турли районларида муштумзўрлик қилишга муккасидан кетаётган Пентагондаги қузғунлар турли-туман машқларни ўтказаётир. Ҳозир ўтаётган энг катта «Глоубл—шилд-84» ҳарбий машқлари бунга яна бир мисолдир. Қўшма Штатларининг Канада, Ғарбий Европанинг НАТОга аъзо бўлган баъзи мамлакатлари ва Япония билан биргаликдаги бу ҳарбий машқлари ошкора иғвогарликдир. 150 минг киши қатнашаётган бу машқларга Пентагоннинг олий ҳарбий қўмондонлиги — штаблар бошлиқлари комитети раҳбарлик қилаётир.

Хўш, «Глоубл-шилд-84»ни ўтказишдан мақсад нима? Пентагоннинг баёнотига кўра, бу машқлар давомида ядро қуроли бўлган стратегик бомбардимончи самолётлар ва қитъалараро баллистик ракеталарни ўз ичига олган АҚШнинг стратегик авиация қўмондонлиги бўлинмасининг ҳаракати пиширитилади. Унда Шимолий Американинг аэрокосмик мудофаа бирлашган қўмондонлиги (НОРАД) қўшинлари ва ядро урушини олиб боришга мўлжалланган бошқа кучлар ҳам қатнашаётир. Жанговар шароитларга жуда яқинлаштирилган тарзда ўтаётган бу машқларда қитъалараро «Минитмен» баллистик ракеталарига хизмат кўрсатувчи расчетларнинг жанговар шайлиги текширилади, бу ракеталарни реал учириш йўли билан ядро зарблари уришга ўхшаш ҳаракатлар амалга оширилади. АҚШнинг территориясидаги, шунингдек, Американинг Гуам ва Окинава оролларидаги ҳарбий базаларида жойлашган стратегик бомбардимончи самолётлар ядро бомбаларини ташлаш, ядро қалпоқли қанотли ракеталарни учириш сингари ҳаракатлар ҳам пишиқтирилади. Пентагоннинг уқтиришича, «Глоубл—шилд-84»нинг асосий мақсадларидан бири «ҳарбий қўмондонлик ва граждан маъмурларининг танг вазиятдаги ҳамжиҳатлиги»ни текшириш эмиш.

Кўриниб турибдики, Пентагоннинг хатарли «ўйинлари» агрессив характерда бўлиб, у Вашингтоннинг ядро уруши чиқариш режаларини синаб кўришга қаратилган. Милитаризм фонусига «чекланган» ва «узоққа чўзиладиган» ядро урушлари доктриналарни пилик қилиб олган Вашингтоннинг ҳозирги маъмурияти уни ўт олдиришга интилмоқда. Ҳозирги «Глоубл—шилд-84» ҳарбий машқлари Вашингтоннинг жаҳоншумул можарони, «ўз иттифоқчилари қўли билан бошлаб, ўзи бир чеккада қолишни умид қилаётганлигидан» гувоҳлик берувчи яна бир мисолдир. Лекин бу хатарли хом хаёлдир. Океан ортидаги қузғунлар замонавий ракета-ядро қуроли учун мўлжалга олиб бўлмайдиган нишон йўқлигини унутмасликлари керак.

А. РЎЗИЕВ.

ТИНЧЛИК ТАРОНАСИ

СССР Кинематографчилар союзининг кино санъатини пропаганда қилувчи Бутииттифоқ бюроси томонидан уюштирилган ва Тошкентда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида намойиш этилган музикали-театрлаштирилган кино томошаларни санъат ихлосмандлари, кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан кутиб олди. «Ўртоқ кино» деб номланган бу оригинал программа ҳозирги кунинг энг муҳим, энг долзарб мавзуи — тинчлик учун кураш мавзусига бағишланган.

«Ўртоқ кино» программасини ижро этувчилар орасида жуда кўп фильмларда эсда қоладиган образлар яратган актриса, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Нонна Мордюкова ҳам бор. Ҳассос санъаткор ўзининг оригинал ижрочилик маҳорати билан барчани мафтун этди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) Н. Мордюкова ва композитор Е. Дога саҳнада.

В. Молгачев фотолари.

ЯНГИЛИКЛАР

ҚАШҚАДАРЁ

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИДА

▲ Қашқадарё область ўзбек давлат филармонияси санъаткорлари бир неча кундан бери воҳанинг қўриқ районлари меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатмоқдалар.

Улар яқинда Толлимаржон, Нишон районларининг хўжаликларида бўлиб, пахтакорлар ва чорвадорларга катта программада концерт намойиш этдилар. Айниқса, Э. Ҳайитов, Г. Аҳмедова, Р. Холиқов, Д. Тазитдинова каби хонанда ва раққосаларнинг чиқишларини томошабинлар илиқ кутиб олишмоқда.

ИЛК ҚАДАМ

▲ Яқинда СССР Газ саноати министрлиги қарори билан Муборак районида янги совхоз ташкил қилиниб, унга «Огонёк» номи берилди.

Бу хўжалик «зангори олов» ижодкорларини боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлайди.

Совхозда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейи йилида мавжуд 1721 гектар ердан 1030 гектарини қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда хўжаликда янгидан ўзлаштирилган майдонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш авж олдирилмоқда.

ЯНГИ СОВХОЗЛАР

▲ Бепоён Қарши даштини ўзлаштириш ҳисобига ҳар йили бир неча минглаб гектар қўриқ ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилмоқда.

Қўриқ районларда йирик пахтачилик массивлари юзага келаётир. Улар орасида Муборак районидаги «Шаҳрисабз», Нишон районидаги «Яккабоғ» ва «Китоб» массивлари бор.

Яқинда «Шаҳрисабз» массивида янгидан ташкил этилган «Бухоро» совхози иш бошлади. Хўжалик коллективи ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 3 минг гектар майдонда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиради.

* * *

Шунингдек, «Китоб» массивида Беруний номли, «Яккабоғ» массивида Маҳтумқули номли совхозлар ташкил этилди. Бу йил баҳорда қўриқ массивларда янгидан тузилган 5 та совхозда ҳам биринчи марта деҳқончилик қилинади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САНЪАТ ОЛАМИДА

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ» САҲНАДА

Самарқанд опера ва балет театри рус тилида «Майсаранинг иши» спектаклининг премьерасини кўрсатди. Режиссер ва бош ролни ижро этувчи Г. Ермакова ўз қаҳрамонини ўзи ва бошқаларни ҳимоя қила оладиган дадил аёл сифатида талқин этади. Опера Самарқандда ўзбек тилида қўйилганига кўп йил бўлган.

Театр коллективи шоир Ҳамзанинг фусункор асарлари асосида яратилаётган спектакллар билан шу театрнинг 20 йиллигига бағишланган ижодий ҳисоботни бошламоқда.

[ЎзТАГ].

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ●

РАҚС ВА МАҲОРАТ

ФИГУРАЛИ УЧИШ БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ · ТОШКЕНТ-1984 ·

Тошкентда фигурали учиш бўйича бир неча кун давом этган мамлакат чемпионати якунланди. Мухлислар муз узра ажиб ҳаракатлари, ўзига хос хиромон рақслари билан дилларда завқ уйғотган фигурачиларнинг чиқишларини олқиш ва баҳор гуллари билан эътироф этдилар. Нафосат баҳси тошкентликларда унутилмас таассурот қолдирди.

Спорт рақси бўйича эркин программани бажариш айниқса гўзаллик касб этди. Йигит-қизнинг ўзаро муштарак ҳаракатлари серзавқ бўлди. Мусобақа бошидан пешқадамликни қўлдан бермай келаётган москвалик Елена Батанова билан Алексей Соловьевларнинг чиқишлари 5,7—5,8 балл билан баҳоланди. Улар чемпионатнинг олтин медалларини қўлга киритишди. Шунингдек, оригинал ва эркин машқларни бажариш бўйича маҳорат кўрсатган москвалик Мая Усова билан Александр Жулин ҳамда Наталья Аненко билан Генрих Сретенский (Москва области)лар ғолиблик супасининг иккинчи ҳамда учинчи поғоналарини эгаллаб, кўксиларига кумуш ва бронза медалларини тақдилар.

Йигитларнинг якка баҳслари якунида харьковлик Виталий Егоров иккикураш ҳисобида ҳаммадан кўп балл тўплаганлиги маълум бўлди. Томошабинлар уни олтин медаль билан қутладилар. Ленинградлик Л. Казнаков билан одессалик В. Петренколар иккинчи ва учинчи совринли ўринларни эгаллашди. Тошкентлик спорт мастери Андрей Хвалько иккикураш бўйича бир поғона кўтарилиб, 15-бўлди. Қизларнинг чиқишлари ҳам қизғин курашга айланди. Свердловсклик Наталья Лебедева эркин ва нафис ҳаракатлар бажариб, илк бор чемпион номига сазовор бўлди. Ленинградлик М. Ссрова билан А. Антоновалар иккинчи ҳамда учинчи ўринларга кўтарилишди. Тошкентлик спорт мастери Саодат Нуъмонова дастлабки машқни бажаришда 12-ўринни эгаллаган эди. Эркин программали чиқишларда ҳам маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилди. Ҳозирча унда тезкорлик, нафислик ҳамда хореографик услуб етишмаслиги туфайли умумҳисобда 14-ўрин берилди.

Шундай қилиб, республикамиз пойтахтида қизғин даном этган чемпионат ниҳоясига етди. Мутахассислар маҳорати ошиб бораётган умидли фигурачиларнинг кўзга ташланиб қолганлигини қайд этдилар. Чемпионат тошкентлик спортчилар учун маҳорат мактаби бўлиб қолди.

Т. КИСТАНОВА.

Суратларда: чемпионлар (чапдан) спорт рақси бўйича Е. Батанова билан А. Соловьев, якка чиқиш бўйича Н. Лебедева билан В. Егоров ҳамда (юқорида) спорт жуфтлиги бўйича мураффақият қозонган Л. Селезнёва билан О. Макаровлар.

Д. Михайлов фотолари.

ҚУДРАТЛИ ТАЪСИР

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ яратган асарларнинг маърифий-тарбиявий аҳамияти даврлар оша кенг миқёс ва теран мазмун касб этмоқда. Бунинг ўзига хос моҳияти бор. Туғма истеъдодларгина халқига шоншуҳрат келтирадиган ижоднинг сермашаққат йўлларидан дадил ўтиб, умрибоқий асарлар яратиши мумкин.

Энг муҳими шундаки, Қодирий ўзига замондош ўзбек ёзувчиларигагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг истеъдодли қалам соҳиблариига ҳам самарали ижодий таъсир ўтказди. Ушбу мулоҳазанинг далилини туркман ёзувчилари Б. Кербобоев, Х. Деряев, қозоқ адиби М. Авезов, тожик ёзувчиси Ж. Икромийларнинг Қодирий ижодини бир умрлик ибрат тарзида юқори баҳолаганликларида ҳам кўриш мумкин. Б. Кербобоев «Дадил қадам»ни ёзишда, Х. Деряев «Қисмат» романининг дунёга келишида Қодирий ижодий сабоқларининг ҳеч бир нарса билан алмаштириб бўлмайдиган ижодий таъсири борлигини тан олган бўлсалар, тожик адиби Жалол Икромий бу ҳақда шундай дейди: «Мен А. Қодирий асарларини гарчи ўттизинчи йилларда ўқиган бўлсам-да, улардаги қаҳрамонларни ҳозирга қадар унутолмайман. А. Қодирий ўзининг гоят сиқиқ, аммо чуқур лирика йўғрилган жумлалари билан мени мафтун этарди... Унинг асарларидаги ҳар бир деталь ўзида юксак маъно ифода этади, моҳир заргар томонидан ясалган буюм янглиғ жилоланади».

Машҳур қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов: «Абдулла Қодирий романлари гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди, унинг асарларини Қурмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандай, дам олиб, мириқиб, гашт қилиб ўқийсан, киши» деб ёзганида миллионлаб совет китобхонларининг фикрини аниқ ифодалаган эди.

Ўрта Осиёлик бадиий сўз санъаткорлари таъкидлаган фазилатлар Қодирий асарларининг жаҳоншумул парвозини таъминлаган бадиият қонуниятлари тажассумидир. 1935 йилиёқ ёзувчининг «Меҳробдан чаён» романи С. Ализода таржимасида «Каждум аз меҳроб» номи билан тожик тилида нашр қилинди. Қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ёзувчилари ва китобхонлари Қодирий романларини аслида ўқиб, ундан бой маънавий озиқ олган бўлсалар, кейинчалик 1958, 1961 йилларда Л. Бать ва В. Смирновалар таржимасида рус тилида, 1963, 1982 йилларда Жамол Бойжонова таржимасида «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари қозоқ тилида, 1960 йилда Мустафо Нуъмонов таржимасида татар тилида 1966 йилда Д. Аҳмаммедов ва С. Гаражаевлар таржимасида туркман тилида, 1961 йилда латиш тилида ва 1966 йил литва тилида, шунингдек, украин, озарбайжон ва бошқа кўплаб тилларда нашр этилиб, қардош халқлар китобхонлари қалбидан муносиб ўрин олган.

Бадиий ижод оламида шундай асарлар бўладики, улар бир халқнинг маънавий оламидан чиқиб, умумбашарият маданияти хазинасига қўшилади, инсоният ва тарих мулки бўлиб қолади. Немис адабиётшуноси Ниота Тун ушбу романнинг умрбоқий фазилатини қуйидагича изоҳлайди: «Тошкентлик ошиқлар» («Ўтган кунлар») тарихий романининг немисча нашри асар авторининг адабий хизматларига кўрсатилган эҳтиромгина эмас, албатта».

Немис адабиётшуноси Н. Тун А. Қодирий романчилигидаги улкан ютуқларни В. Скотт ва Ж. Зайдон традицияларига, араб ва ўзбек ҳикоячилиги анъаналарининг ёзувчи томонидан мукаммал ўзлаштирилганлигига боғлайди. «В. Скотт услуби ва Шарқ ҳикоячилик традициясининг бевосита туташиб кетганлиги сезилади, — деб ёзади у. — Бинобарин, «Ўтган кунлар» («Тошкентлик ошиқлар»)нинг яратилишида ҳар икки манбанинг таъсири шубҳасиздир. Булардан биринчиси ёш ўзбек романига воқеа танлаш, Шарқ ҳикоячилигидаги дидактизмни енгиш имконини берган бўлса, иккинчиси ўқувчига қаратилган автор мулоҳазаларини ифодалашга ёрдам беради».

Ниота Туннинг ушбу мулоҳазалари ҳеч қандай эътироз уйготмаганидек, А. Қодирий романчилигининг ижодий ютуқларини — кашфиёт сирларини ҳам тўла маънода асослаб бера олмайди. Тўғри, А. Қодирий ўзбек адабиётининггина эмас, балки бутун Шарқ классик адабиётининг ўткир билимдони бўлган ва ўз салафлари — Шарқ донишмандларининг бадиий ижод соҳасидаги илғор анъаналарини мукаммал ўзлаштирган санъаткордир. Бироқ, у ана шу традициялар билан ўралашиб қолганда эди, китобхонларга доимий ҳамроҳ бўлгулик наваторона асар ярата олмаган бўлар эди.

Романни немис тилига ўгирган таржимон Орно Шпехт муаллифнинг, айниқса, типиклаштириш ва индивидуаллаштиришдаги усталлигини имкони борича сақлашга интилган. Бу ўринда романни рус тилига таржима қилган Л. Бать ва В. Смирноваларнинг ҳам катта хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, романни немис тилига ўгиришда улар таржимаси асос қилиб олинган. Гарчи таржима русча нашрдан қилинган бўлса-да, типикликни юзага келтирувчи йирик тарихий воқеалар тасвирида, бош қаҳрамонлар диалоглари ва монологларининг, халқ мақоллари, маталлари ва афоризмларининг, миллий пейзаж, уй-жой жиҳозлари ва урф-одатлари ҳамда ўзбек халқи психологиясининг тасвирида Қодирий услуби асосан сақланганлигини кўрамиз.

Отабекнинг дор тагидан қайтиш саҳналари, Тошкент қўзғолони ва қипчоқлар қирғинига муносабати, ота-она орзусини, бажо келтиришдаги ташвишлари ва Зайнабга муносабати, Кумуш билан ўтказган тотли онлари ва ниҳоят, ва бошқа фожиалар немис китобхонларининг қалбларини ларзага келтира оладиган даражада таржима қилинган.

Буларнинг барчасидан таржимон Орно Шпехтнинг Абдулла Қодирий услубидаги сир-асрорларига чуқур тушуниб етганлиги, санъаткор маҳоратини таржимада сақлай олганини кўрсатади. Таржимонинг ютуғи ҳам худди шундадир. Романдаги асосий қаҳрамонларнинг фожиали тақдирлари немис китобхонлари қалбига кучли таъсир кўрсатиши, ўзбек халқининг ўтмиш ҳаёти рангин манзараларини жонлантириб кўрсатиши шубҳасиздир.

Ҳа, Абдулла Қодирий асарлари қатор ҳорижий мамлакатларда чоп этилган. Адиб асарларининг бу шуҳрати унинг абадиятидан далолат беради.

Ш. РЎЗИЕВ,
филология фанлари кандидати.

ЭЛЛАРДА ВА ТИЛЛАРДА

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

ЕР ОСТИ ДЕНГИЗИ

Қозоғистоннинг ғарбида очилган катта ер ости чучук кўлининг сувидан чўлдаги 18 посёлка аҳолиси ва нефтчилар фойдаланадилар.

— Сув — қурғоқ чўлларда обиҳаётдир. Шунинг учун ҳам гидрогеологлар қўриқ ерларни ўзлаштириш орбитасига биринчилардан бўлиб жалб этилгандилар, — дейди Қозоғистон ССР Фанлар академияси Гидрогеология ва гидрофизика институтининг директори У. Ахмедсафин. Чўл ва саҳролар сувсиз эмаслигини аввал бошдан исбот этиш керак эди. Ҳақиқатда ҳам улар остида 1,8 миллион квадрат километр саҳнли «океан» очилди.

Олимлар ер ости сувн қаердан олиниши ва у қандай тўлиб туришини аниқлашни мақсад қилиб қўйдилар. Намуналар ва анализлар, янги математик моделлаш методлари шунга жавоб берди. Тянь-Шаннинг эрийдиган баланд тоғ музликлари ер ости сув омборини сув билан таъминлаб турар экан. Қозоғистондаги барча дарёлар сувининг ярми тоғ этаклари олдида ер остига кетади. Сўнгра бир неча юз метр чуқурликдаги табиий коллекторлар орқали республиканинг шимолига ёйилади. Чўлларни, шўрхок қўриқ ерларни суғоришда шу сувдан самарали фойдаланиб, уларни мўлкўл ем-хашак манбаларига айлантириш мумкинлигини ҳаёт кўрсатди.

Гидрогеологлар республикани сув билан таъминлаш бош схемасини тузиб чиқдилар. Разведка қилинган ер ости омбор запаслари прогноз ресурсларининг қарийб ярмини ташкил қилади. Хавзаларнинг бир қисми ишга солина бошлади.

О. БАБИЙ,
ТАСС мухбири.

Олмаота.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

СПОРТ ТО

Ҳар шанба куни «Спортлото» тиражининг ўн мингдаб ништирокчилари 3 сўмдан 10.000 сўмгача бўлган турли ютуқларнинг эгаси бўладилар. «Спортлото» билетларини сотишдан тушган маблағнинг ярми лотереянинг ютуқ фондига ажратилади.

Ҳар бир тиражда бу маблағлар ушбу тираж ютуқ фондини ташкил этади. Маблағнинг иккинчи ярми эса лотереянн ўтказиш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда физкультура ва спортни ривожлантиришга сарфланади. Янги стадионлар, спорт заллари, бассейнлар, демак янги рекордлар, миллионлаб кишилар саломатлиги — ушбу оммавий лотерея барча қатнашчиларининг асосий ютуғи шундай.

Республикамизда 1983 йилда «Спортлото» ва «Спринт» ишқибозларига 206.988 ютуқли билетларга ҳақ тўланди. Афсуски, эътиборсизлик оқибатида кўплаб кишилар ўзларини ютуққа бўлган ҳуқуқдан маҳрум этишди. Ўтган йили «Спортлото» билетлари «БВ» қисмининг кечикканларидан 24000 донадан знёди қайд этилди.

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ, БЎЛАЕТГАН ТИРАЖ УЧУН «СПОРТЛОТО» БИЛЕТЛАРИ «БВ» ҚИСМЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЖЎНАТИНГ!

Эслатиб ўтамизки, Тошкент шаҳрида билетларни яшиклардан олиш муддатлари ўзгартирилган. Бундан бўён уларни олиш сўнгги муддати пайшанба куни соат 12 гача. «Спортлото» республика бошқармасида жойлашган навбатчи яшик жума куни соат 16.00 гача ишлайди.

«СПОРТЛОТО» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ
1984 йил учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича
КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Экономика, бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институти** (700097, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 28-уй);

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш, қишлоқ хўжалик машина-ускуналарини ремонт қилиш ва ундан фойдаланиш, экономика, бошқарувни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти** (702841, Тошкент область, Янгийўл шаҳри, Кирда почта бўлими);

селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари селекцияси ва уни урчитиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш, хусусий зоотехника — **Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти** (702145, Тошкент область. Оржоникидзе район, Красний водопад почта бўлими);

наслчилик, узумчилик, фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси, экономика, бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Академик Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти** (Тошкент область, Тошкент райони, Гулистон қишлоқ совети);

селекция ва уруғчилик, фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси, экономика, бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Ўзбекистон ғаллачилик илмий-текшириш институти** (704620, Жиззах область, Ғаллаорол шаҳри, Ғалллаорол почта бўлими);

энтомология, селекция ва уруғчилик, сабзавотчилик, фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси, экономика, бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти** (702015, Тошкент область, Тошкент райони, Қозоқкенсой почта бўлими);

селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, умумий ер ишлари, фитопатология ва ўсимликлар ҳимояси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш, экономика, бошқаришни ташкил этиш ва халқ хўжалигини планлаштириш — **Ўзбекистон шоликорлик илмий-тадқиқот институти** (702310, Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райони, Авангард почта бўлими);

вирусология, патология, онкология ва ҳайвонлар морфологияси, ветеринария микробиологияси, ветеринария фармакологияси — **К. И. Скрябин номидаги Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти** (704453, Самарқанд области, Тойлоқ посёлкаси).

АРИЗАЛАР — 1984 ИЙЛ 15 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Аспирантурага кириш бўйича барча саволлар билан ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлимлари ва тегишли илмий-тадқиқот институтларига мурожаат қилиш мумкин.

АДРЕС: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 2-қават, 9-хона. ТЕЛЕФОН 39-49-90.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10|IV да **Бўрон**, 11|IV да **Шекспир асарлари асосида балет триптихи**, 12|IV да **Дон Карлос**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10|IV да **Келинлар кўзғолони**, 11|IV да **Зебуннисо**, 12|IV да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11|IV да **Гулсара**, 12|IV да **Хизматингизга тайёрмиз**.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакция коллективи редакция масъул секретарининг ўринбосари Я. Тўхтаевга онаси

Жўрабиби ИСРОИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти коллективи нашриёт катта редактори Маҳмуд Яҳёевга ўғли

Маъмуржон ЯҲЁЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мактаб ўқувчиларининг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви. 10.25 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Телефильм. 12.00 — Концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телефильм. 15.55 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.40 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.10 — Уфқ. 18.10 — Концерт. 18.25 — Агар соғлом бўлай десанг. 18.40 — Хоккей. СССР — Финляндия. 20.05 — Концерт. 20.20 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Телефильм. 22.55 — Концерт. 23.25 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.40 — В. Луговской поэзияси. 12.20 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 — Шахмат мактаби. 14.40 — Илмий-оммабоп фильм. 14.55 — Тележурнал. 15.30 — Совет драматургиясида В. И. Ленин образи. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — „16 ёшгача ва ундан катталар. 20.00 — Телефильм. 20.45 — Очилган қўриқ. Романдан парчалар. 21.30 — Время. 22.05 — Кутилмаган меҳмон. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Болалар учун фильм. 18.20 — Ўқувчилар бригадасида. 19.00 — Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Катталар учун мультфильм. 20.10 — Адабий кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Экиш мавсуми кундалиги. 22.25 — Зулматни тарк этиб. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25 — МОСКВА-II. 18.15 — Ўқув программаси. 18.45 — Телевизион театр. Ака-укалар. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Ўқув программаси. 20.50 — Ўқув программаси. 21.30 — МОСКВА-II.

11 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мультфильмлар. 10.15 — Концерт. 10.35 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Саёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 Рус тили. 16.10 — Инсон — замин соҳиби. 17.10 — Спорт ҳафталиги. 17.40 — „16 ёшгача ва ундан катталар. 18.25 — Агар соғлом бўлай десанг. 18.40 — Хоккей. Швеция — СССР. Таниффус пайтида (19.15 — Дунё воқеалари). 20.05 — Бутуниттифоқ конкурс лауреати В. Шчербаков чалади. 20.20 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.10 — Концерт. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Оила ва мактаб. 14.30 — Н. Думбадзе асарлари саҳифаларида. 15.30 — Космик аср. Солнома саҳифалари. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамдўстлик. 19.15 — Концерт. 19.50 — Қурилиш ва архитектура. 20.00 — Адабий ўқиш. 20.45 — Футбол. Спартак — Нефтчи. 21.30 — Время. 22.10 — Китлар жўнаб кетаётганда. Бадиий фильм. 23.30 — Гандбол бўйича СССР чемпионати.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — Ҳужжатли фильм. 1-серия. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.35 — Мактаб ўқувчилари учун. Бирга бўлсак ҳаммамиз. 19.10 — Фильм-концерт. 19.30 — Ахборот. Хоразм телевидениеси программаси. 19.45 — Болалар учун моҳир қўллар. 20.05 — Жило бериб ипакка. 20.30 — Ахборот. Хоразм телевидениеси программасининг давоми. 20.50 — Достон ва ҳалфа қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.10 — Хоразм телевидениеси программасининг давоми. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35 — МОСКВА-II. 18.10 — Ўқув программаси. 18.50 — Қишлоқ ҳаёти. 19.10 — Шаҳар меҳмонларни кутиб олмоқда. 19.40 — Тошкент янгиликлари. 20.00 — Иқбол. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

10 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Баҳор тароналари ва қўшиқлари. 9.30 — Шонли 60 йил солномаси. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 18.15 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети. 19.25 — Ешлик. 20.50 — А. Қодирий туғилган кунинг 90 йиллигига. 21.10 — Концерт. 22.30 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига.

11 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек классик қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 11.25 — Республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Шариповва М. Жалилов куйлайди. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 19.25 — Эстрада миниатюралари. 20.50 — Барҳаёт шеърият. 21.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 22.45 — Концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.